O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 10-oktabr, chorshanba ✱ № 43 (795) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

САВОДЛИМАН ДЕГАН ОДАМ ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ

Ахборотлашган жамиятда куннинг қайсидир янгилигидан бехабар қолсангиз, атрофдагилардан «Нима, бугунги рўзномаларни ўқимадингми?» мазмунидаги танбеҳни эшитасиз. Зеро, бундай жамиятда кўпчиликнинг биринчи қиладиган иши эшигига қистириб кетилган ёки почта қутисига ташланган кундалик газеталар мутолааси билан бошланади. Шу боис бўлса керак, жамиятда газета саноатининг ривожи, аввало, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда саводхонлиги билан боғланади.

⇨ 4-бет

180 МИНГ ДОЛЛАРГА ЎЗ ДАРВОЗАСИНИ ИШҒОЛ ЭТДИ

Италия футболида келишилган ўйинлар юзасидан олиб борилган суриштирув ишлари катта шов-шувга сабаб бўлди. Маҳаллий нашрнинг ёзишича, "Бари" футбол клубининг собиқ ҳимоячиси Андреа Масьелло 180 минг евро эвазига ўз дарвозасига тўп киритгани ошкор бўлди.

5-бет

НАВОИЙДА ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Буюк Ипак йўлидаги туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда республикамиз етакчи роль ўйнаётганини, юртимизда бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, қадимий ёдгорликлар, меъморчилик мажмуаларини таъмирлаш, асраб қолиш юзасидан олиб борилаётган ишларни юксак баҳоламоқда.

⇨ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБОЙЖОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2012 йил 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Боку шаҳрида бўлади.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 9 октябрь куни Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари аввало бу воҳа бошқа ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган табиати, саховатли тупроғи, кўҳна тарихи ва бой маданияти, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши биладиган, мард ва матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик, тўғрилик, қандай аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни очиқ айтиш, мавжуд вазиятни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятлар айнан шу Хоразм элига мансублигини, бундай фазилат ва аломатларни юқори баҳолаб, вилоят аҳлига яна бир бор ўзининг юксак ҳурматини изҳор этишини таъкидлади.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, катта ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари турли тармоқларда — бу саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш, илму фан, таълим-тарбия, спорт соҳалари бўладими — буларнинг барчасида эришаётган салмоқли натижалар мисолида кўриш, кузатиш мумкин.

Вилоят иқтисодиёти тобора юксалиб, жорий йил якуни бўйича 9 фоизга етиши кутилмоқда. Саноат соҳасида охирги беш йил мобайнида 40 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Ушбу тармоқни ривожлантириш, унинг салоҳиятини оширишда сўнгги вақтда мамлакатимиз миқёсида ўзини оқлаган ижобий тажриба вилоятда кенг қўлланилмоқда. Яъни, иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун уларнинг тижорат банклари балансига ўтказилаётгани Хоразм воҳасида ҳам ижобий натижа бермоқда.

Ҳозирга қадар вилоятдаги касодга учраган 22 та корхонага 21 миллиард сўмдан зиёд инвестиция йўналтирилиб, уларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу асосда 2 мингга яқин иш ўрни қайта тиклангани, жумладан, Ҳазорасп ип-йигирув фабрикаси, "Унихо" қўшма корхонаси, "Ҳазорасп гиламлари" каби 12 та корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати модернизация қилингани эътиборга молик.

Енгил саноат соҳаси ривожланишида "Боғот текстиль", "Коттонтекс", "Даритал текстиль", "Жиласун", "Коботекс" ва "Ўзтекс Шовот" каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мен бугун фермерлар билан учрашганимда, "Ўзтекс Шовот" корхонасининг ишга тушганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Шовотлик фермернинг айтишича, одамлар ҳар куни бу замонавий бинони томоша қилиб ўтаётган экан. Бу кўп нарсани билдиради. Бу бино шунчаки чирой бериш учун эмас, балки қишлоқда яшаётган аёлларни, қизларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини одамлар яхши тушунади, деди Президентимиз.

Сессияда вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, барча тармоқларнинг ривожланаётгани эътироф этилган ҳолда, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат соҳасининг улуши мамлакатимиз бўйича эришилган марралардан анча орқада қолаётгани қайд этилди.

Шу ҳақда гапирганда, муҳим бир масалани эсимиздан ҳеч қачон чиқармаслигимизни истардим, деди Юртбошимиз. Хоразм воҳасини тараққий топган ҳудудлар қаторига чиқариш, биз кўзлаган кўпгина марраларга эришиш йўлида, аввало, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини оширишда, ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, қолаверса, бутун Хоразм ўлкасининг қиёфасини ўзгартиришда айнан саноат соҳасининг ривожи устувор ўрин эгаллаши кераклигини англаб олишимиз зарур.

Биз бу ҳақда кўп гапирамиз, лекин амалий ишларга келганда, бу соҳада бирёқлама ривожланиш, асосан енгил саноат ҳисобидан ўсиш бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, томат ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак. Мавжуд консерва заводларининг техник ускуналари эскирганини ҳисобга олган ҳолда, замонавий технологиялар асосида ишлайдиган янги корхоналарни қуриш лозим.

Қишлоқ хўжалигида жорий мавсумда ҳам қийинчиликлар кам бўлмади. Лекин шунга қарамасдан, ҳосил яхши бўлди. Бу йил Худонинг ўзи йўлимизни очиб берди. Лекин келгуси йилда бундай шароит бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шартнома тузаётганда чуқур ўйлаб иш тутиш, фермерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бугун фермерлар пахтанинг катта даромад беришини яхши тушуняпти, лекин жаҳон бозорида унинг нархи ўйнаб турганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Шу маънода, фермерлар нафақат деҳқон, нафақат агроном, балки аввало, иқтисодчи бўлиши керак. Манфаат ва яна бир бор манфаат устун бўлиши зарур.

Хоразмда бошқа экинлар қаторида шоли ҳам экиш мумкин. Лекин шартнома мажбуриятларини — бу ғаллачилик бўладими, пахтачилик бўладими — сўзсиз бажарганидан кейин экиш зарур. Давлат фермернинг манфаатини кўзлаши, фермер ҳам давлатнинг манфаатини унутмаслиги даркор. Шундагина, адолат бўлади, шундагина ишда тартиб бўлади, деди Ислом Каримов.

Мажлисда бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, Хоразм воҳасининг шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳукуматимиз бошчилигида алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақти келгани уқтириб ўтилди.

Бу дастурда фақат енгил саноатни эмас, балки машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга, мамлакатимизда кўп йиллар давомида синаб келинаётган тажриба — яъни тараққий топган давлатларнинг фирма ва компаниялари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш энг тўғри ва ўзини оқлайдиган йўл эканига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-3-betларда.)

Ифтихор

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Ўсмирларимиз — Осиё чемпиони!

Бу ғалаба ўз-ўзидан келгани йўқ, унга юксак эътибор ва мақсад сари дадил интилиш туфайли эришилди

Эронда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қувонарлиси, мазкур мусобақада қатнашган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўзбек футболи тарихида алоҳида, олтин саҳифа очишди, десак муболаға бўлмайди. Ёш футболчиларимиз чемпионатнинг ҳал қилувчи ўйинида Япония терма жамоси устидан ғалаба қозонди ва Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Эсингизда бўлса, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида илк маротаба футбол бўйича ўзининг дастлабки катта ютуғини 1994 йили Японияннинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида қўлга киритган эди. Шундан буён турли ёшдаги жамоаларимиз, шунингдек, клубларимиз қитъа ва жаҳон миқёсидаги халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб келишмоқда. Дастлаб 2003 йилда Виктор Борисов бошчилигидаги ёшлар терма жамоамиз жаҳон чемпионатида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган бўлса, сўнгра Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари Саудия Арабистонида ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё биринчилигида жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш билан бирга, мусобақанинг кумуш медалларига сазовор бўлди. Қолаверса, улар Мисрда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мазмунли ўйинлари билан мухлису мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришди.

Кейинги йилларда, айниқса, ўсмирларимизнинг қитъа ва жаҳон чемпионатларидаги иштироклари алоҳида таҳсинга сазовор. Хусусан, 2010 йилда пойтахтимиз мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионати ўзбек футболи мухлисларига оламолам қувонч улашди. Аниқроғи, турнирда юртимизнинг ёш «чарм тўп» усталари Ўзбекистон футбол мамлакати эканини бутун Осиёга намойиш эта олди. Гуруҳ босқичидан муваффақиятли ўтган вакилларимиз чорак финалда австралиялик тенгдошларини енгиб, илк маротаба жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди.

8 ⇨

ОБУНА — 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! "HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2013 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг индекси — 211

Тадбир

Ёшлар маънавияти ОАВ нигоҳида

Ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ечимини топишда оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган вазифалар кўлами ҳам кенгаймоқда.

Негаки, миллий табиатимизга ёт бўлган ана шундай "маданият" намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ёшлар онгини ҳимоялаш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, аввало, эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган ижодий маҳсулотлар халқимизга тақдим этилиши лозим. Шу маънода, оммавий ахборот воситалари фаолияти муҳим ўрин тутади. Шундай экан, бугун улар ўз зиммаларидаги бу масъулиятли вазифани қай даражада амалга оширмоқда? Бу борада ижодкорлар фаолиятида қандай муаммолар бор?

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни: ютуқ ва муаммолар" мавзусидаги давра суҳбати айни шу масалалар ва уларнинг ечимига бағишланди.

Тадбир "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Матбуот ва Ахборот агентлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вакиллари, Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги ижодий кенгашлар аъзолари, ОАВ раҳбарлари, журналистлар, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашди.

Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги ёш мухбирлар кенгаши раҳбари, "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Салим Ашуров бошқарган давра суҳбатида жисмонан соғлом, маънан юксак, мустақил фикрлайдиган, билимли ёшларни воягa етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга зид турли ёт таъсирлардан асрашда ОАВнинг ролини кучайтириш масалалари тўғрисида атроф-лича сўз борди.

4 ⇨

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Қўшма корхоналарни ташкил этишнинг энг афзал ва устувор томони шундаки, бизга шерик бўлган хорижий компаниялар ҳисобидан инвестициялар олиб келиш, шу билан бирга, мана шу корхоналарда биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг чет давлатларда бозорини, харидорини топиш каби жиддий муаммоларни ечиш ҳам анча осон бўлишини, тушуниш, англаш қийин эмас, албатта, деди Ислом Каримов.

Шу маънода, бугунги кунда Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2000 йилга нисбатан 1,6 баробар ошиб, соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 60,5 фоизни ташкил этаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда тижорат банклари томонидан 172 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, бу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 3,5 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Шу йилнинг 9 ойида яратилган 47 мингдан зиёд янги иш ўрнининг 60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, иш билан банд аҳолининг 80 фоизга яқини айнан шу тармоқда меҳнат қилаётгани бу соҳанинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс эканини кўрсатади.

Бу ҳақиқат яқинда Тошкент шаҳрида "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Ана шу анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги 45 дан ортиқ хорижий давлатдан 250 нафарга яқин кўзга кўринган иқтисодчилар, олимлар, бизнес оламининг йирик намояндалари иштирок этди. Уларнинг ҳаммаси бир нарсага тан беряптики, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган. Улар бу соҳа нафақат иқтисодиётни, балки одамларни, бутун аҳолининг онгу тафаккурини, ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда, деб эътироф этаётгани барчамизга мамнуният етказади ва бундан йигирма бир йил олдин иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш мақсадида биз танлаган йўл — ўзбек модели нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлайди.

Хоразм вилояти учун хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муҳим соҳалардан бири — бу туризм эканини барчамиз яхши биламиз, деди давлатимиз раҳбари. Туризм инфратузилмаларини, хусусан, Урганч ва Хива шаҳарларида ихчам меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатадиган иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги 10 йилда меҳмонхоналар сони қарийб тўрт баробар кўпайгани, сайёҳлик фирмаларини ташкил этиш ишлари фаоллашгани натижасида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган меҳмонлар сони 3 баробардан зиёд ортди. Шу билан бирга, сессияда бу йўналишда ҳали жуда кўп иш қилиш кераклиги таъкидланди. Хусусан, сайёҳлар сонини янада ошириш учун чет давлатларга қатнайдиган чартер рейсларни, хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатадиган янги объектлар сонини кўпайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ана шундай вазифалар қаторига киради.

Хоразм вилоятида замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда, бу йўналишда тасдиқланган дастур доирасида, вилоят ҳудудидан ўтадиган халқаро ва давлат аҳамиятига молик 230 километрдан ортиқ автомобиль йўлларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, 750 метр узунликдаги 5 та кўприкни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қарийб 322 миллиард сўм ҳажмидаги иш бажарилмоқда. Яқинда Бухоро — Нукус автомобиль йўлининг Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган 60 километр узунликдаги тармоғи қуриб битказилди. Жорий йил охирига қадар ана шу йўналишда яна 40 километр йўл қурилиб, транспорт қатнови очилади.

Мустақиллик йилларида 341 километр узунликдаги Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, шимолий ҳудудларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб, Хоразм воҳасининг ривожини мутлақо янги босқичга кўтаришда катта ўрин олганини изоҳлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Айтиш керакки, бу йўлнинг моҳияти ва қиммати йиллар ўтиши билан янада ортиб боради. Бу йўл минтақадаги бой ер ости захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, олдимизда турган улкан режаларни амалга оширишда сўзсиз беқиёс аҳамият касб этади, деб қайд этди Президентимиз.

Собиқ Иттифоқ даврида Амударёдан понтон кўприклар орқали йўловчилар ва транспорт қатнови қандай қийинчилик ва хавф-хатарлар билан амалга оширилар эди. Кейинги йилларда Амударё узра бир эмас, иккита улкан, муҳташам кўприк барпо этилди ва шу тариқа йиллар давомида ечилмасдан келган ўта муҳим иқтисодий-ижтимоий масала ҳал қилинди.

Вилоятда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар янада кенг миқёсда давом эттирилиши сессияда қайд этиб ўтилди. Бу борада келгуси беш йилда йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун вилоят бўйича 450 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, Хоразм воҳаси ўзининг кўп минг йиллик қишлоқ хўжалик маданиятига эга, ўз ишининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонлар айнан шу заминда ном қозонган.

Вилоят фермерлари бу йилнинг ўзида 132 минг тоннадан зиёд дон етиштириб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажаришга ва қарийб 70 миллиард сўм даромад олишга эришганлари таҳсинга муносибдир. Шу кунларда эса, хоразмлик моҳир пахтакорлар 258 минг тонналик юксак хирмон бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, кўзлаган маррага тобора яқинлашмоқда.

Хоразм вилоятида ер шароитининг оғир ҳолати, тупроқнинг шўрланиши қандай катта ва машаққатли меҳнатни талаб қилишини воҳадаги ерларнинг 54 фоизи кучсиз, 33 фоизи ўртача, 13 фоизи эса кучли шўрлангани ҳам исботлаб беради. Бундай мураккаб шароитда деҳқончилик қилиш, юқори ҳосил олиш, очиғини айтганда, ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бунинг учун қанча-қанча меҳнат, қанча маҳорат, ўз касбига, ўз ерига садоқат, қолаверса, катта мардлик талаб қилиниши деҳқончилик билан таниш одамларга яхши аён.

Биргина мана шу мавсумни оладиган бўлсак, воҳа меҳнаткашлари кўплаб табиат ноқулайликлари ва иқлим қийинчиликларига дуч келганини кўриш, кузатиш қийин эмас. Хусусан, ўтган йили ноябрь ойидаёқ совуқ ва аёз кунларнинг бошланиб кетгани, қишнинг узоқ давом этгани ерни шудгорлаш, шўр ювиш, кузги экинларни сақлаб қолишда деҳқонлар учун катта муаммоларни туғдирди.

Ёз фаслида эса қирқ кун давомида ҳаво ҳароратининг кескин юқори бўлиб тургани, жазирама қум ва туз бўронлари ҳосил тақдирини хавф остида қолдириб, Хоразм деҳқонларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Президентимизнинг, шу фурсатдан фойдаланиб, мен мана шу юксак минбардан туриб, бундай оғир вазиятдан ёруғ юз билан чиқаётгани учун Хоразмнинг миришкор деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашлари олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деган сўзлари сессия иштирокчилари томонидан қизғин олқишлар билан кутиб олинди.

Қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштиришнинг омил ва мезонлари кўп. Об-ҳавонинг қулай келиши, навнинг тўғри танланиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши, энг муҳими, деҳқонларимизнинг ер билан тиллашиб, унга бутун меҳрини бериб ишлаши — ана шулар жумласидандир. Шулар қаторида яна бир ўта муҳим омил борки, деди Ислом Каримов, бу тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш билан боғлиқ. Ушбу мақсадда қабул қилинган махсус дастур доирасида сўнгги беш йилда Хоразм вилоятига давлат бюджетидан 80 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди, бу эса мамлакатимизда шу борада ажратилган маблағнинг 11 фоизини ташкил этади. Ана шу маблағ ҳисобидан 220 километрлик коллектор-дренаж тармоқларида қурилиш ва реконструкция, 6,5 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида вилоят бўйича 170 минг гектардан зиёд суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Энг муҳими, ана шу ҳудудларда пахта ҳосилдорлиги ўртача 2,3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 2,7 центнерга кўпайгани Хоразм деҳқон ва фермерларининг косасини оқартиришга, даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу борада бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш мақсадида келгуси беш йилда давлат бюджетидан Хоразм вилоятига яна 225 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, янги йилдан бошлаб вилоятдаги ирригация тизимларини реконструкция қилиш бўйича Ислом тараққиёт банкининг 90 миллион доллардан зиёд кредит маблағини жалб этган ҳолда, умумий қиймати 120 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида 144 минг гектарга яқин суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини, 225 минг гектардан ортиқ ернинг эса сув билан таъминланишини яхшилашга эришилади.

Хоразм воҳасида халқимизни боқадиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга қаратилган катта куч ва маблағлар сарфлаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳаси самарасини оширишда ўз ечимини кутаётган ишлар ҳали кўп эканига маҳлисда алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ишни тўғри ташкил қилиш, илғор ва синалган агротехник тажрибаларни кенг ёйиш, 15-25 йил давомида ишлатиб келинаётган, эскирган қишлоқ хўжалиги техникасини замонавий трактор ва механизмлар билан алмаштириш, Хоразм шароити ва иқлимига, шу тупроққа мос келадиган сифатли уруғ ва янги навларни етиштириш ва жорий этиш, фермерлик ҳаракатининг олдида турган кўпгина вазифаларни ҳал қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш каби ўта муҳим, алоҳида эътиборни талаб қиладиган муаммо ва масалалар устида ишлаш долзарб вазифалардан экани қайд этилди. Бу борада авваламбор вилоят раҳбарияти ва жамоатчилиги, мавжуд илмий муассасалар, тажрибали агроном ва мутахассисларнинг ўрни ва масъулияти катта эканига урғу берилди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб инсон манфаатларини таъминлаш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб келаётгани ҳақида, ўйлайманки, кўп гапиришга ҳожат йўқ, деб ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз.

Биз учун доимо устувор вазифа бўлган ана шундай сиёсатнинг амалий самарасини бутун юртимиз қатори Хоразм вилоятида ҳам кўпкўп мисолларда кўриш мумкин.

Бугунги кунда вилоятда аҳолининг реал даромадлари жон бошига 2000 йилга нисбатан 9,2 баробар кўпайгани, шу даврда ўртача иш ҳақи 16,8 марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар салкам 11 марта ортгани одамларимизнинг фаровонлигини таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бунинг яққол ифодасини биргина мисол, яъни, юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобилларни аҳоли томонидан сотиб олиш ҳажми тобора ортиб бораётгани тасдиқлайди. Мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилган 1996 йилдан бошлаб Хоразм вилояти аҳолиси 60 мингдан зиёд ана шундай автомобилларни харид қилган, бошқача айтганда, ҳозирги вақтда ҳар беш-та оиладан иккитасида замонавий автомобиль мавжуд.

Яна бир долзарб масала — Хоразм вилояти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишларни олайлик, деди Ислом Каримов. Вилоятда кейинги ўн йилда 815 километрдан иборат ичимлик сув тармоқлари янгиланиб, 28 та сув тақсимлаш иншоати реконструкция қилинди. Натижада 174 та аҳоли пунктидаги 200 мингга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминотининг яхшиланишига эришилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банкининг 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳисобидан Урганч шаҳри ва тумани, Осиё тараққиёт банкининг қарийб 13 миллион долларлик кредит маблағи эвазига Янгиариқ, Хива ва Қўшкўпир туманлари аҳолисининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Ана шундай ишлар натижасида кейинги ўн йилда вилоятда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 64 фоиздан 74 фоизга кўтаришга эришилди.

Бу албатта катта ютуқ, лекин бу рақам бизни қониқтирмаслиги керак. Кўп касалликлар ниманинг ҳисобидан пайдо бўлади? Аввало, сувнинг тоза эмаслиги ҳисобидан. Хоразмга хос буйракда тош йиғилиш касаллиги ва бошқа касалликларни бартараф этиш учун аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида қаттиқ ишлашимиз, бу муаммони тўла ечишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Келгусида халқаро молия институтларининг 60 миллион долларлик маблағини жалб этган ҳолда, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, жумладан, Урганч, Хива ва Питнак шаҳарларидаги эскирган канализация тармоқларини модернизация қилиш, янги тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Бу ўз навбатида ана шу шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини янада оширишда муҳим ўрин тутади.

Вилоятда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржой массивларини комплекс қуриш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Ўтган уч йил мобайнида 32 та массивда 1 минг 160 та уй-жой 43 километрдан зиёд газ тармоғи, 70 километр сув тармоғи, 30 километр электр тармоғи, 35 километр автомобиль йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари билан бирга қуриб фойдаланишга топширилгани диққатга сазовордир. "Мустаҳкам оила йили" деб ном олган жорий йилнинг ўзида вилоятнинг 20 та қишлоқ массивида 650 та ана шундай уй-жой барпо қилиниб, ўз эгаларига тайёр ҳолда топширилади.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳар томонлама қулай ва обод уйларда одамларнинг кайфияти ва қарашлари, эртанги кунга ишончи ҳам бошқача бўлади. Бундай уйлар хонадон бекалари — аёлларимизнинг оғирини енгиллаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгартиришга, турмуш шароитини яхшилашга олиб келиши муқаррар, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Хоразм воҳасида соғлиқни сақлаш соҳасини янада яхшилаш, янги, замонавий даражага кўтариш мақсадида кейинги беш йил давомида 16 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган урология ва кардиология марказларининг вилоят филиаллари, Боғот ва Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва 6 та қишлоқ врачлик пунктида кенг кўламли қурилиш-реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Буларнинг барчаси, табиийки, турли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, инсон умрини узайтиришнинг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёш авлодимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим, энг устувор йўналиши экани яхши маълум. Барчамиз бугун чуқур англаб олдик — фақатгина замонавий, мустақил фикрлайдиган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам биз бу ҳал қилувчи вазифани мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг асосий шарти ва гарови деб биламиз, деб қайд этди Юртбошимиз.

Ана шундай юксак ва эзгу мақсадга эришишда Хоразм вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳаёт қоидасига айлантириш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Сессияда бунинг исботи сифатида баъзи бир рақамларга эътибор қаратилди.

Агар 2003 йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг фақат 63 фоизида спорт заллари мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 88 фоизни ташкил этмоқда. Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида ўтган уч йил давомида 85 та спорт иншоати қурилиб фойдаланишга топширилгани, уларнинг 80 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда экани ёшларимизнинг, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳар томонлама қулай имкониятлар туғдирмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар Ўзбекистон терма жамоаси куни кеча 4 миллиарддан ортиқ одам яшайдиган Осиё қитъасининг чемпиони деган юксак шарафга эришганини катта ғурур билан таъкидламоқчиман, деди Юртбошимиз ўз фикрини давом эттирар экан.

Табиийки, бундай ғалабага эришиш осон эмас. Барча зарур шарт-шароитларни яратган, спортни кенг оммавий ҳаракатга айлантирган тақдирдагина бундай улкан ютуқларга эришиш мумкин. Афсуски, бугунги кунда дунёда спортни бутунлай бошқача маъно ва мақсадларда тушуниш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Ҳамма нарса пулга қурилган, пул билан ҳисобланадиган спорт шахсан мен учун спорт эмас, деди Ислом Каримов.

Яратилган замонавий шароитлар туфайли хоразмлик мактаб ўқувчиларидан 1 минг 500 нафари республика миқёсида, 140 нафари эса халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, ёш авлод тарбияси бўйича олиб бораётган, мана шундай чуқур ўйланган ишларимиз ҳисобидан болаларимиз жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятдаги 91 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежида 96 минг 300 нафар йигит-қиз замонавий билим ва амалий касб-ҳунарларни эгалламоқда. Ҳар йили уларнинг 30 минг нафардан ортиғи коллежларни битириб, ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ана шундай ёшларни муносиб иш билан таъминлаш, уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши, оёққа туриб олиши учун ҳар томонлама ёрдам ва кўмак бериш — бу давлатимиз, жамиятимизнинг бугунги кундаги энг муҳим, айтиш мумкинки, энг ҳал қилувчи вазифаси ва у доимо эътиборимиз марказида бўлиши зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Вилоятда коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида ажратилаётган кредитларнинг ҳажми кейинги уч йилда 10 баробар ошиб, жорий йилда 3 миллиард сўмни ташкил этгани албатта эътиборга молик.

Айни вақтда сессияда ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласини яна бир бор танқидий кўз билан қараб чиқиш, бу борада ечилмаган муаммоларни ҳал этиш учун барча чораларни кўриш, авваламбор, шаҳар ва туман ҳокимлари, тегишли раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Вилоятда бандлик масаласи қандай ҳал қилинаётгани айни шу нуқтаи назардан таҳлил этилди. Юқорида айтилганидек, жорий йилнинг 9 ойида 47 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ижобий баҳоланди. Лекин ўрганишларга кўра, вилоятда бугунги кунда 34 минг 700 нафарга яқин фуқаро, яъни меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг 5,1 фоизи ишга жойлашишга муҳтож ҳисобланади. Бу рақамлар, фоизлар ўз йўли билан, лекин ҳақиқий ишлашни истайдиган одамларга албатта иш топиб бериш керак. Бинобарин, бандлик масаласи бўйича олиб бораётган ишларни янада кучайтириш, хусусан, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Хоразм воҳасида қурилиш ва ободончилик соҳасида олиб борилаётган катта-катта ишларни вилоят маркази бўлмиш Урганч шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Урганч шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш мақсадида умумий қиймати 112 миллиард сўмни ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилиб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозирги кунда Хоразмий кўчасида биринчи қаватини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эгаллайдиган 12 та кўпқаватли турар-жой биноси, 10 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, ҳар бири 25 ўринли 3 та меҳмонхона қурилиши бошланган.

Айни вақтда Хоразмий кўчасининг марказий чорраҳасида 4 та замонавий супермаркет ҳамда 38 та сервис ва хизмат кўрсатиш объектида ҳам қурилиш ишлари якунига етиб бормоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун бунёд этилган муҳташам янги ўқув биноси бугун шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу ерда энди 160 ўринли талабалар турар-жой биносини қуриш мўлжалланмоқда. Шулар қаторида "Ёшлар кўли" боғининг муҳандислик коммуникациялари, инфратузилмасини янгитдан барпо этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ҳудуддаги "Кичкинтойлар боғи"да очиқ сув ҳавзаси қуриш, замонавий аттракционлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳарнинг канализация тармоқлари реконструкция қилиниб, Хоразмий кўчасида 3 километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи ўтказилгани, марказий кўчалар ва ирригация тизимлари босқичма-босқич таъмирланаётгани шаҳар ободончилигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бундан ташқари, бу ерда шу йилнинг ўзида 70 та кўпқаватли уй-жой капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этганини қайд этиш лозим, деди Юртбошимиз. Шу билан бирга, Урганч темир йўл вокзалини капитал реконструкция қилиш, жумладан, янги перрон ва очиқ ёзги павильон қуриш, вокзал олдидаги майдонни ободонлаштириб, кўркам хиёбон, автомобиллар бекати ва фаввора барпо этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам олиб борилаётгани айниқса эътиборлидир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2012 йилнинг январь ойидан буён Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Пўлат Раззақович Бобожонов вилоят ҳокими этиб сайланди.

Президентимиз бугунги кунда раҳбарнинг масъулияти, унинг одамлар билан ишлаш маҳорати ҳақида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни баён этди.

Раҳбарлик ҳақида, раҳбар шахснинг ўрни ва таъсири ҳақида гапирганда, ҳозирги кунда ҳаётимизда кўпгина ижобий ва салбий мисолларни учратиш мумкин. Минг афсуски, ишни ўзибўларчиликка ташлаб, ҳар қадамда пайдо бўладиган муаммо ва масалаларни ечиш ўрнига, улар ўз-ўзича ечимини топар, деб бепарволикка, лоқайдликка берилиб юрадиган раҳбарлар ҳам кам эмас.

Бу фикрни бошқача ифодалаб, бамисоли ҳарбийларни бошқарадиган қўмондонларни ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, улар, аввал жангга кирайлик, у ёғи ўзи маълум бўлади, деган тушунча билан қанча-қанча жангларни бой бергани, қанча йўқотишларга йўл қўйганини тарихдан яхши биламиз.

(Давоми 3-бетда.)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Бошланиши 1-2-betларда.)

Ўйлайманки, ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бундай номаъқул қарашлар билан иш тутадиган одамнинг раҳбар вазифасини эгаллашга ҳаққи йўқ.

Ҳаёт — бу, аввало, кураш, демакдир. Ҳар кунимиз аслида курашдан иборат. Бу кураш нима учун, қандай мақсадлар учун қаратилган? Бу кураш, биринчи навбатда, эркинлик, тинчлик учун, ҳаётимиз фаровонлиги, болаларимизнинг келажаги учун қаратилган. Шу маънода, ҳар қайси раҳбарнинг зиммасида жуда катта масъулият борлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Биз бугун ён-атрофимизда, айтиш мумкинки, бутун дунёда нотинчлик, қарама-қаршилик ва кескин зиддиятлар рўй бераётган ўта мураккаб бир замонда яшаяпмиз, деди давлатимиз раҳбари. Шундай таҳликали вазиятни эътиборга оладиган бўлсак, авваламбор, қандай бетакрор ва гўзал Ватан бизга насиб этгани, ҳаётимиз тобора юксалиб, обод ва фаровон бўлиб бораётганининг қадрига етиб, шукроналик ҳисси билан, юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ҳар томонлама асраш ва мустаҳкамлаш, доимо сергак, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Биз бошимиздан кечираётган бугунги замоннинг ўзи ҳар биримиздан ўз жойимизда, ўз лавозимимизда ўзимизга юкланган вазифани масъулият билан бажариш, эл-юртимиз олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишни талаб қилмоқда.

Олдимизда турган мана шундай улкан вазифаларни амалга оширишда мен кўпни кўрган, кўҳна тарих ва маданиятга эга, не-не суронли даврларни бошидан кечирмасин, ўзлигини асраб, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб, мардлик ва матонат кўрсатиб, катта умид ва эзгу ниятлар билан яшаётган Хоразм халқига ишонаман. Сизларнинг меҳнаткашлик, олижаноблик, меҳмондўстлик каби фазилатларингизни, ширин шевангизни, бетакрор санъатингизни мен юксак қадрлайман, деди Юртбошимиз ўз нутқининг ниҳоясида.

Сессия мажлисида Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов, меҳнат фахрийси Кенжабой Ортиқов, Урганч давлат университети магистранти Нодира Янгибоева ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

***

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан мулоқотда бўлди. Пахта йиғим-теримининг бориши билан қизиқди.

Ҳамза Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 67,6 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 48 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фермер хўжалигида мева-сабзавот, полиз етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ҳам йўлга қўйилган. Хўжаликда ташкил этилган тикувчилик цехи ва новвойхонада кўплаб ёшлар иш билан таъминланган.

— Бу йил пахтачилик учун қулай йил бўлди. Бу соҳада эришаётган муваффақиятларимизни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, авваламбор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганимиз, фермерларимизда эгалик ҳисси шаклланганги, йил давомида бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани, деҳқонларимизга унумли меҳнат қилиши учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар бугунги ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда, — деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дефолиация тадбирлари ҳосилнинг тез, бир текис ва сифатли пишиб етилишида катта ўрин тутиши тўғрисида тўхталар экан, бугун фермерларимиз фаолияти натижасини юқори самарадорлик билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади. Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда, деди Президентимиз. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда саноатни жадал тараққий эттириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларимизнинг онгу тафаккури, ҳаётга қараши, талаб ва эҳтиёжлари ўзгараётгани, шунинг баробарида шаҳар ва қишлоқларимиз янада чирой очиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, ёшларимизнинг ўз олдига аниқ мақсадларни қўйиб, дадил интилаётгани, турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани бутун халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Урганч шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида Хоразмнинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим, деди Ислом Каримов. Ер остидаги сувларни қочириш, унинг сатҳини пасайтириш учун коллекторлар тизимини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини воҳа тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб тизимли ташкил қилиш шаҳарни ривожлантириш йўлидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида эътибор марказида бўлиши даркор.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги муттасил юксалиб бораётгани чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Қўлга киритилаётган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт, фарзандларимизнинг саодатли келажаги учун доимо курашиб яшашимиз шарт. Хоразм вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳамда улуғвор мақсадлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

ЎзА

ТИББИЁТ

Мустақиллик йилларида муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилди.



Устувор мақсад – аҳоли саломатлигини таъминлаш

Хусусан, қишлоқ жойларида замонавий врачлик пунктлари, вилоят марказларида катталар ва болаларга ихтисослашган шифохоналар бунёд этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамланаётганлиги, кадрлар тайёрлаш тажрибаси ва амалиёти, муаммо ва ечимлар" мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада улкан ютуқларнинг қўлга киритилишида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу дастур ижросини таъминлаш асносида соҳага илғор шакл ва услублар жорий этилди. Чунончи, жойларда эски, самарасиз тизим ўрнида тиббий хизмат бирламчи бўғинининг янги, ихчам ва замонавий тизими вужудга келди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлардан яна бири бу ихтисослашган тиббиётдир. Айни пайтда тизимда хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология каби йўналишларда ўнта Республика ихтисослашган маркази самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш олиб бораётган скрининг ва перинатал марказларининг фаолияти ҳам эътиборга моликдир.

— Эътиборлиси, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда, — деди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худоёров. — Масалан, 2010 йилда Инвестиция дастури доирасида соҳага 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 256 миллиардни ташкил этди.

Ислоҳотлар самараси ўлароқ, йигирма йил давомида мамлакатимизда оналар ва бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди, ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайди. 2011 йилда Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли — "Болаларни асрайлик" ("Save the children") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилди. Қолаверса, қатор халқаро институтларнинг эътирофига кўра, аёлларга қулай шароитлар яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллагани қувонарли ҳолдир. Бу кўрсаткич Марказий Осиёда энг яхши, МДҲ ва Осиёда эса юқори саналади.

Албатта, тилга олиб ўтилган ютуқлар билан чекланиб қолинмайди, соҳадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар ўз ечимини топади. Зотан, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти, авваламбор, унинг фуқароларининг манфаати, соғлиғи ва фаровонлиги қай даражада таъминланганлиги билан белгиланади.

Зулхумор ТЎРАЕВА,
Камол ОЛЛОЁРОВ

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ЎЙНАБ ЁЗСАНГ ҲАМ ЎЙЛАБ ЁЗ... 2

Халқ орасида кўп ишлатиладиган "Ўт балоси, сув балоси, туҳмат балосидан ўзинг асра!" деган нақлни эшитмаган одам бўлмаса керак. Яъни, туҳмат деган кўзга кўринмас махлуқ кўзга кўринадиган олов-ёнғин ва сув тошқини офатлари билан бир сафда турар экан. Юқоридаги нақл шунинг исботи.

ёки бағдодлик иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси, кекса жамоатчи мухбир Жўрабой Болтабоевга нисбатан ёзилган туҳмат учун фуқаро Мақсуд Холматов суд орқали маъмурий жазога тортилгани ҳақида

Туҳмат ўзи кимга, нима учун керак? Баъзан туппа-тузук лавозимларда ишлаётган, ранг-рўйи бинойи одамларнинг фисқу фасод, туҳмат билан машғул бўлаётганини кўриб, беихтиёр юқоридаги саволни берасан ўзингга. Кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган бу беш кунлик дунёда бошқаларга нисбатан ғаламислик қилиш, озор етказиш, дилини оғритиш нега, нима учун керак экан, деган ўй чарх уради миянгда. Бунинг ўрнига, бировга чоҳ қазишга кетган вақтини фойдали ишларга сарфлаб, чарақлаган қуёшдан, мусаффо ҳаводан баҳра олиб, эркин ва обод Ватанда хушнуд яшаш тадоригини кўрса бўлмасмикан?

Азиз газетхон, бу мулоҳазаларга сабаб, қўлимизда бир одамнинг бошқа бир одамга аввал бир туҳмат қилиб шарманда бўлганидан, суд орқали жарима жазосига тортилганидан хулоса чиқармай, орадан саккиз йил ўтиб яна ўша одамга туҳмат уюштириб, яна суд орқали жазолангани тўғрисидаги ҳужжатлар сабаб бўлди. Келинг, кейинги ҳужжатга — жиноят ишлари бўйича Учқўприк туман судининг 2012 йил 6 августдаги қарорига мурожаат қилайлик. Унда ёзилишича, Холматов Мақсуджон Тўлқинович, 1957 йилда Бағдод туманида туғилган, олий маълумотли, оилали, тўрт фарзанди бор, мукаддам 2009 йил 27 октябрдаги жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278-моддаси 1-қисми (қиморхона ташкил этиш ёки уларни сақлаш-**тахр.**), 189-моддаси 2-қисмининг "б" банди (солиқ ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш-**тахр.**) билан 4 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган... маъмурий жавобгарликка тортилмаган, "Соҳибтранс профессионал футбол клуби" бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлайди...



Ушбу қарорда таъкидланишича, суд аниқлаган ҳолатлар шундан иборатки, ҳуқуқбузар М.Холматов 2012 йил 9 июнь куни Бағдод тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, аризада фуқаро Жўра Болтабоевнинг "Жўрабой" фермер хўжалигига алоҳида имтиёзлар мавжуд эмиш, фермер хўжалигига сув келтиришда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини мажбурлаб ишлатганмиш, шунингдек, Болтабоевларга тегишли қора "Ласетти" автомобилининг ойналари юз фоиз қорайтирилган, ЙПХ ходимлари эса чора кўрмайди, Жўра Болтабоевнинг уруш қатнашчиси эканлиги ҳам ёлғон, унинг кўкрагидаги медаллар ҳаммаси юбилей медаллари, у уруш қатнашчиси эканлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳеч кимга кўрсатмаган, урушда тушган биронта сурати йўқ ва ҳоказо...

Суд ушбу маъмурий ишни бир неча ой давомида синчиклаб кўрди, қатор гувоҳлар сўроқ қилинди, ҳужжатлар ишга тикилди. Хулоса шуки, аризадаги биронта важлар тасдиқланмади, туҳмат чок-чокидан сўкилиб кетди. Ж.Болтабоевнинг урушда қатнашгани, гуруҳ командири бўлиб хизмат қилгани собиқ Иттифоқ Мудофаа вазирлигининг Москвадаги архивидан олинган маълумотномалар билан тасдиқланди, ҳатто фронтда тушган сурати ҳам бор экан... Ва, суд Мақсуд Холматовни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 40-моддасига кўра, ушбу кодекснинг 33-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида (314.600 сўм) жарима билан жазолади...

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2012 йил 30 августдаги ажрими билан юқоридаги қарор ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Шу нуқтада, хулоса чиқаришни аризачининг ўзига ҳавола қилиб мақолани тугатсак бўларди, бироқ, яна бошқа бир ҳолат бунга изн бермайди. Биз ҳолатни ҳам ортиқча гап-сўзлар билан таърифламай, ҳужжатнинг ўзига мурожаат этиб кўя қолайлик.

Кейинги вақтда дуруст чиқишлари билан газетхонлар орасида танилиб қолган "Карвон қўнғироғи" (муассис "Олмос-қилич" МЧЖ) газетанинг 2012 йил 30 август сонида чоп этилган "Раддия"нинг бошланиши қуйидагича: "Карвон қўнғироғи" газетасининг 2012 йил 26 апрелдаги 17-сонида "Бўлди ажаб томошалар" сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолада Фарғона вилоятининг Бағдод туманида жойлашган "Болтабоев Собиржон Жўраевич" МЧЖ фаолияти ҳақида Бағдод туманидаги "Соҳибтранс" МЧЖ иш юритувчиси Мақсуд Холматовнинг хати асосида таҳририят номидан М.Аҳмедов имзоси билан танқидий мақола чоп этилган эди."

Раддиянинг сўнгидан кўчирма: "Минг афсуски, мухбир бир томон, яъни М.Холматов мулоҳазаларига ҳамда у тақдим этган ҳужжатларга таяниб иш кўрган.

Таҳририят ушбу мақолада муаллиф бир ёқлама ёндашувга йўл қўйганини эътироф этади. Яъни, асосан бир томоннинг фикри билан ҳисоблашиш оқибатида турли идоралар ҳамда "Болтабоев Собиржон Жўраевич" МЧЖ шаънига ноўрин фикрлар билдирилган.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда таҳририят "Бўлди ажаб томошалар"да номлари зикр этилган идоралар ҳамда "Болтабоев Собиржон Жўраевич" МЧЖдан узр сўраб, газетани ноқулай аҳволга тушириб қўйган мухбир билан ўзаро муносабатларга ойдинлик киритишини маълум қилади. Таҳририят."

Маълумотнома: Собиржон Болтабоев Жўра Болтабоевнинг ўғли.

Жўра Болтабоев бугун икки кам тўқсонга кирган, маҳаллада, туманда, қолаверса, вилоятда обрў-эътиборли инсонлардан бири. Унинг биринчи мақола-ахбороти 1937 йилда газетада чоп этилган. Унинг уруш даврида олган жанговар орденлари қаторида 1994 йилда берилган ҳукумат мукофоти — "Жасорат" медали ҳам бор.

Аслида, суд инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, бу ёлғон туҳматлар учун унга жарима жазоси бериш билан кифояланибди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-моддасига кўра, бу қилмиш жиноий жазо билан ҳам малакаланиши мумкин эди. Ҳолбуки, Ж.Болтабоевга нисбатан айнан шу одам томонидан илгари ҳам туҳмат уюштирилган ва унда ҳам Ж.Болтабоевнинг айнан урушда қатнашгани ёлғон экани ҳам ёзилган эди. Ўшанда нуфузли республика газеталаридан бирида чоп этилган бу бўҳтон мақола фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиб, ушбу газетада раддия берилган ва таҳририят 800 минг сўм, мухбир 100 минг сўм ҳамда бу мақолага асос бўлган материалларни берган Мақсуджон Холматов 100 минг сўм маънавий зарар тўлаган.

Азиз газетхон, биз айнан шу ҳангомалар ҳақида, "Hurriyat" газетасининг 2005 йил 40-сонида "Ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз" сарлавҳали мақолада батафсил фикр юритганмиз. Шу сабабли ушбу мақолага "Ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз, 2" деб сарлавҳа қўйдик.

Минг афсус. Қани эди, шу сарлавҳа қўйилмаса-ю, ушбу мақола ёзилмаса. Бироқ, бир марта ёзган нарсанг туҳмат эканлиги суд орқали исботланса ва бунинг учун жазоланса-нг-у, етти йил ўтиб яна шу туҳматни такрорлаш... ёзишга ундайди. Зораки, шу каби бошқа инсонлар бундан сабоқ чиқарса...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист-ҳуқуқшунос

Ёшлар маънавияти ОАВ нигоҳида

(Боши 1-бетда.)

— Ёшлар — бизнинг истиқболимиз, умид юлдузимиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча янгиланишлар, ислоҳотлар, бунёдкорликлардан кўзда тутилган мақсадлар замирида ҳам, аввало, уларнинг манфаатлари мужассам, — деди давра суҳбатида сўзга чиққан Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов. — Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган муҳташам таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва бошқа яратилаётган имкониятларнинг барчаси фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, маънан юксак бўлиб камол топишига қаратилган. Бунга жавобан ёшларимиз эришаётган ютуқлар ҳам оз эмас. Бироқ, шу билан бирга, бугунги глобаллашув даврида турли маънавий таҳдидлар кучайиб бораётганига ҳам эътибор бериш лозим. Улар биринчи навбатда ёшларни ўз домига тортишга қаратилган. Бундай хатарлар, бошқа ижод аҳли қатори, оммавий ахборот воситалари олдига ҳам янги-янги талабларни қўйиб, журналистлардан масъулиятни кучайтиришни тақозо этади.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Деҳқонов интернетдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳақида батафсил маълумот берди. Таъкидланганидек, XX асрнинг охирги чорагида жаҳон ахборотлаштириш тизимида улкан янгилик ва ўзига хос "портлаш эффекти" сифатида пайдо бўлган, айниқса ёшларни ўзига тез жалб этган интернет тармоғидан бугунги кунда мамлакатимизнинг 9,1 миллионга яқин аҳолиси фойдаланмоқда. Энг замонавий ОАВ тури — интернет-журналистика тобора ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз ҳудуди учун мўлжалланган "UZ" домени тизимида 15 мингдан ортиқ фаол сайтлар рўйхатдан ўтган бўлиб, унинг 54 фоизи юридик, 46 фоизи эса жисмоний шахсларга тегишлидир. Худди шунингдек, глобал тармоқда бевосита ёшларнинг билим доираси, дунёқараши кенгайиши, ўзаро мулоқот олиб боришига қаратилган ziyonet.uz, kamolot.uz, muloqot.uz каби қатор сайтлар фаолият олиб бормоқда. Шундай экан, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш интернет тизимида иш олиб боришнинг муҳим омилидир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳамеджонова ўз сўзида глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятини ошириш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш масалалари, бу борада ОАВ олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди. Бир вақтнинг ўзида ахборот тарқатувчи, тарбиячи бўлган телерадио, газета-журналлар, интернет тармоғи миллий ахборот майдонининг посбонлари бўла олади. Ёшларга соғлом ахборот муҳитини яратиш, салбий ахборот оқимига қалқон бўлиш, дунё ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириш, ўз навбатида, журналистларнинг янада сергак бўлишини, ахборот тақчиллигига йўл қўймасликни, керак бўлса бир қадам олдинда юришни тақозо этади.

Мамлакатимизда айни пайтда фаолият кўлами бевосита ёшларга қаратилган "Туркистон", "Молодежь Узбекистана", "Келажак овози", "Тонг юлдузи", "Ёшлик", "Ёш куч", "Ғулхан", "Ғунча" каби қатор йирик газета ва журналлар саҳифалари, шунингдек, "Yoshlar" телерадиоканали дастурларида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, маънавий таҳдидларга қарши кураш масалалари, ёшларнинг орзу-интилишлари ўз аксини топмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг етакчи мутахассиси Ш.Салимов ҳамда ЎзМТРК "Yoshlar" телерадиоканали директори Х.Нуриддинов "Ўзбекистонда ёшларга йўналтирилган ОАВ фаолияти: ютуқ ва муаммолар" мавзусида маъруза қилди. Маърузаларда бевосита ёшларга йўналтирилган ОАВда маънавий йўналишда амалга оширилаётган ижодий ишлар, бу борада эришилган самаралар билан бирга дуч келинаётган муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилди.

Эркин суҳбат, мунозара шаклида ўтган тадбирда ёшларга йўналтирилган оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар, таклиф-тавсиялар биллирилди.

Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА

ННТ ФАОЛИЯТИДАН

Тиббий таҳлил — саломатликни кафолатлайди

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони «2009-2011 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори каби аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда Нодавлат нотижорат ташкилотлари таркибида фаолият юритаётган Ўзбекистон Терапевтлар ассоциациясининг мақсади ҳам юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, мазкур ассоциация тиббиёт фанлари ва амалиётини ривожлантириш, аъзоларининг турли илмий фан форумларни уюштириш орқали қатнашишларнинг билим даражасини оширишни кўзда тутади. Қолаверса, якка тартибдаги тиббий фаолиятни жорий этиш ва терапевтлар учун даволашнинг ягона стандартини яратишда ҳамкорлик қилиш вазифаларини зиммасига олган.

Ассоциация 2010-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан 12 миллион сўмлик грант маблағини олиб, иккита лойиҳани амалга оширди. Биринчиси — «Соғлом она — соғлом фарзанд» дастури доирасида «Репродуктив саломатликни сақлаш ва соғлом оилани шакллантириш бўйича маслаҳатлар» йўналишида бўлса, иккинчиси — «Жанубий Оролбўйи аҳолиси орасида ярали касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, бирламчи тиббиёт муассасалари шифокорлари малакасини ошириш» бўйича ташкил этилди.

Бирламчи тиббий муассасалар, яъни поликлиникалар, амбулаториялар ва қишлоқ врачлик пунктлари учун амалиётда самарадорлиги тасдиқланган ярали ва бошқа ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш ва даволаш ҳамда замонавий ташхис қўйиш усуллари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинар-тренинглар уюштирилди. Масалан, Нукус, Урганч, Тошкентда бўлган «Сурункали гепатитлар: ташхис, даволаш ва профилактика усуллари» ёки Фарғона,Бухоро, Навоий, Зарафшон, Урганч ва Нукус сингари вилоятларда ўтказилган «Гастроэнтерологиянинг долзарб масалалари» мавзусидаги анжуманлар шулар жумласидандир.

Республика миқёсида уюштирилган барча тадбирларда аввало ярали касалликка чалинган беморлардаги мавжуд патологик белгилар орқали хавфли касалликлар гуруҳини аниқлаб, шифокорлар ёрдами таъминланди. Беморларга замонавий талабларга мос усулларда даволаш учун халқаро кўрсатмаларни кенг миқёсда татбиқ қилган ҳолда самарадорлиги юқори бўлган тежамкор дори-дармонлар тадқиқ қилишга эътибор қаратилгани халқимиз учун айни муддаодир.

Бундан ташқари, Жанубий Оролбўйи ҳудудларида оилавий тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда аҳолига соғлиқни сақлаш соҳасида ташкилий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ниятида Ўзбекистон Терапевтлар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда илмий-амалий семинар-тренинг ташкил этилди. Унда сурункали яра касалликлари ҳамда соғлом турмуш тарзи тамойиллари, рационал овқатланиш талаблари мавзуларидаги маърузалар соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизими вакиллари учун ҳам катта мактаб вазифасини ўтагани шубҳасиз.

Вилоятларда ўтказилган ҳар бир тадбир жараёнида аҳоли орасида терапевтик касалликлар билан оғриган беморларни даволаш учун тегишли муолажалар тайинланиб, маслаҳатлар берилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаториялар, поликлиникалардаги шифокорлар учун «Ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон яраси касалликлари ҳақида 1000 дона услубий қўлланма ҳамда «Ярали касалликлар тўғрисида нималарни билиш керак?» номли 2000 та буклетлар тарқатилгани одамлар орасида ички касалликларнинг олдини олиш йўлида қилинган самарали ишлардан биридир.

Икки йўналишдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош гастроэнтерологларини Оролбўйи ҳудудларидаги нохуш экологик иқлим оқибатида ярали касалликларнинг келиб чиқишига доир олимлар билан таништириш ишлари амалга оширилди. Турли терапевтик касалликлардан безовта бўлган беморларнинг шифохона назоратига олингани уларга яхшигина руҳий далда бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг учинчи босқичига асосан аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Тиббий реаблитация ва терапия илмий текшириш институти негизида Республика ихтисослашган илмий-амалий терапия ва тиббий реаблитация маркази очилди. У билан ёнма-ён равишда вилоят кўптармоқли ташхис марказлари ташкил этилди.

Бугунги кунда ўпканинг сурункали яллиғланиши ва бронхиал астма, аллергиянинг юрак қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, ревматик ҳамда буйрак касалликларининг тарқалиши кўп кузатилаётгани боис ўз вақтида ташхис қўйиш, даволашнинг самарали ва хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, вилоятларда малакали мутахассисларга кучли эҳтиёж сезилаётгани барчамизга аён. Терапевтлар олдида биринчи навбатда касаллик келтириб чиқарувчи асоратлар ва нохушликларни олдиндан кўра билиш, бунинг олдини олиш учун ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиш вазифаси кўндаланг туради. Ана шуларни ҳисобга олиб, ассоциация аъзолари ўзларининг бундан кейинги режаларини белгилаб олишди. Унга кўра, Ўзбекистон шароитида вилоятларда ички аъзолар касалликлари бўйича юқори технологияли усулларда ташхис, даволаш ва тиббий реаблитацияни кучайтириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишга жиддий эътибор қаратиш олимлар ва амалиётчи шифокорларнинг бош вазифаси этиб белгиланди. Қолаверса, МДҲ ва хорижий давлатларда бўладиган илмий конференциялар, симпозиумларда соҳага оид чиқишларни чуқур ўрганиш, хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга жиддий эътибор қаратишдаги вазифалари белгиланди.

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
«Hurriyat» мухбири

ХОРИЖ МАТБУОТИ

Саводлиман деган одам газета ўқийди

Яқинда мен ҳам турли соҳаларда фаолият юритаётган тенгдошларим сингари юртимизда яратилаётган кенг имкониятлардан баҳраманд бўлиб, Ҳиндистонда журналистика соҳаси бўйича малака ошириб қайтдим.

Касб кўникмаси боисми, тасаввуримдаги бу сеҳрли диёр тупроғига илк бор қадам қўйишим билан эътиборимни ҳар дақиқада рўпарамизда учрайдиган газета ва журналлар билан савдо қиладиган шохобчалар эътиборимни тортди. Эрта тонгданоқ қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган газеталарнинг шакл-шамойили, тили ва хили, ранг-баранглиги ҳайратимни оширди.

Жавоҳарлаъл Неру номидаги донғи оламга кетган ўша машҳур университет кираверишидаги пештахтага ҳиндлар ота ўрнида қадрлайдиган Маҳатма Гандининг "Эртага ўладигандек яша. Бутун умр яшайдигандек ўрган!" деган ҳикматли сўзларидан тўлқинланиб кетдим.

Дунё жамоатчилиги Гуттенберг ихтиро қилган илк ёзув дастгоҳини инсоният маърифатига ҳозиргача хизмат қилаётган энг буюк кашфиёт сифатида эътироф этиб келади. Фуқаролик жамиятида газета инсонлар учун йўлчи юлдуз вазифасини ўташи айни ҳақиқатдир.

Истанбулда ўтказилган Жаҳон газеталари конгрессида ўрганилган 208 та давлат орасидан фақатгина 35 мамлакатда рўзномалар адади мунтазам ошаётганлиги таъкидланган. Газеталар ва янгилик ноширлари халқаро ассоциациясининг 2012 йилда берган маълумотларига қараганда, газета савдоси бўйича Ҳиндистон жаҳонда етакчи ҳисобланади. Газетхонликда кейинги ўринларни хитой ва японлар банд қилиб туришибди. Бир қатор ривожланган мамлакатларда эса телевидение ва интернет тармоғининг жадал тараққиёти туфайли рўзномаларнинг жамиятдаги аҳамияти пасайиб бораётганлиги аниқланган. Мисол учун, биргина 2009 йилда интернет фойдаланувчилари ҳамда узлуксиз телеканаллар сони нисбатан кўпроқ бўлган АҚШнинг бир қатор ҳудуларида оммабоплиги билан ажралиб турувчи 200 дан зиёд ҳафталик газеталар инқирозга учраб, ўз фаолиятини якунлаган.

Ахборотлашган жамиятда куннинг қайсидир янгилигидан бехабар қолсангиз, атрофдагилардан «Нима, бугунги рўзномаларни ўқимадингми?» мазмунидаги танбеҳни эшитасиз. Зеро, бундай жамиятда кўпчиликнинг биринчи қиладиган иши эшигига қистириб кетилган ёки почта қутисига ташланган кундалик газеталар мутолааси билан бошланади. Шу боис бўлса керак, жамиятда газета саноатининг ривожи, аввало, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда саводхонлиги билан боғланади.

Ҳиндистонда ишга, ўқишга шошиб-пишиб кетаётган бўлсангиз-да, йўл чироқлари олдида юзага келувчи 10-15 дақиқалик тирбандликдан фойдаланган, ўзлари ҳарф танимайдиган, аммо газетанинг қизиқарли ва долзарб рукнларини тинмай такрорлаётган болалар қучоқ-қучоқ газеталардан сотиб олишингизни сўраб, ортингиздан эргашади. "Демак, бўш қолдингми, мана, газета ўқи! Бунисини хоҳламасанг, бошқасини ўқи!" Ҳиндистоннинг барча катта шаҳарларида «Жаноб, рўзнома олинг! Ажойиб янгиликлар!» мазмунидаги ана шундай таклифларга такрор ва такрор дуч келасиз. Йўлакларда шолча тўшаб савдо қилаётган газета сотувчиларнинг саноғи йўқ. Тонг ғираширасида нашрдан чиққан газеталар бўёғи ҳали қуриб улгурмасдан шаҳар атрофидаги чекка қишлоқларгача етиб боради. Эрталабки олти-еттилар атрофида уйғоқ бўлсангиз мотоцикл ёки велосипедининг орқасидаги газеталар тахламини хонадонларга тарқатиб юрган кишиларга кўзингиз тушади. Улар чаққон ҳаракатлари билан нафақат вақтдан ютишади, шу билан бирга оммавий ахборот воситалари фаолиятининг бош мезони — ахборот тезкорлигини таъминлашади. Тонгги рўзномаларнинг умри узоғи билан тушгача бўлиб, сўнгра кун ўртасида чоп қилинувчи газеталар савдоси бошланади. Кундан-кунга уларнинг адади ва хили кўпайиб бораётганини қўни-қўшнилар эшиги ёки почта қутиларидаги турли-туман номдаги газеталардан ҳам билса бўлади.

Ишга ёки ўқишга отланар экансиз, кундалик режаларингизни рўзномадаги хабарлар асосида тузишга мажбур бўласиз. Агар автоуловингизга ёқилғи қуйиш керак бўлса, бозор-ўчар қилмоқчи бўлсангиз нарх-наводан бохабар бўлиш учун рўзномага кўз югуртирган бўлишингиз шарт. Ундан ташқари, ишда, ўқишда ходимлар ёки талабалар ўртасидаги суҳбат бевосита матбуот нашрларида эълон қилинган долзарб хабарлар доирасида бўлади. Аҳолисининг аксарият қисми қорин тўйдириш ғамида кундалик озиқ-овқат учун меҳнат қиладиган Ҳиндистонда газета саноати шу тарзда кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. Сиз қадам ранжида қиладиган ҳар бир идора, интернет қаҳвахоналари, чойхона ва меҳмонхоналарда бир неча турдаги кундалик газеталарни ўқиш имконияти мавжуд.

Ҳиндистон босма оммавий ахборот воситалари саноатининг қиймати 2005 йилда 2.64 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич қарийб 5 миллиард АҚШ долларига етган. Бу юксалиш мамлакатда саводли аҳоли қатламининг мунтазам ўсиб бориши билан изоҳланади. Фуқароларининг атиги 579 миллиони ўқиш ва ёзишни биладиган Ҳиндистонда ҳар куни 110 миллион донага яқин газета чоп этилади. Кундалик газеталарни саводли аҳолининг учдан бир қисми ҳар куни ўқиб боради. Рўзнома нархининг арзонлиги ҳам матбуот саноатининг ривожи учун муҳим омиллардан ҳисобланади. Мамлакатда чоп этиладиган инглиз тилидаги рўзнома нархи Америка ёки Европа газеталаридан 10 маротаба арзонроқ. Мисол учун, Америкада "The New York Times" кундалик газетаси 0,50 цент (тахминан 963 сўм) турса, Ҳиндистонда чоп этилувчи, шакли ва мазмуни шунга ўхшаш "The Times of India" рўзномаси ўртача 0.07 цент (тахминан 133 сўм) дан сотилади.

"Муҳаррир ва ношир" халқаро йиллик китобда ёзилишича, айни пайтда жаҳонда 6580 та кундалик газеталар ҳар куни 395 миллион нусхада чоп этилади. Жаҳон газеталари ассоциациясининг маълумот беришича, жаҳондаги энг оммабоп ҳисобланган 100 та рўзномадан 75 таси Осиё минтақасида нашр этилар экан. Жаҳоннинг энг оммабоп ўнта рўзномаларининг 5 таси Японияда нашр қилинади.

Ижара уйга кўчиб ўтганимизнинг иккинчи куни саҳарлаб жиринглаган эшик қўнғироғидан уйқум қочди. Бориб очсам, қаршимда қучоғи газетага тўла кишини кўрдим. "Саҳарлаб безовта қилганим учун узр, соҳиб. Мен шу ҳудудга газета тарқатаман. Агар зарурат бўлса, сизга ҳам олиб келишим мумкин." Газета «чопари»нинг махсус — газета рекламаси муносабати билан қилган ташрифидан сўнг кундалик газеталарни мунтазам ўқиб боришга одатландим. Тонги еттилар атрофида остонада қолдирилган бир даста рўзномани қучоқлаб ичкарига шошаман. Иссиқ чой хўплаш баробарида уларга кўз югуртираман. Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, газеталар менга ижтимоий-иқтисодий муносабатларда харита ёки компас вазифасини ўтади.

Ҳиндистонда «The Indian Express», «The Times of India», «Sakaal Times» нашрлари оммабоп ҳисобланади. «The Times of India» энг кўп ададга эга инглиз тилидаги газетадир. Аввало бу газета тўғрисида сизда бироз тасаввур уйғотсам. Ҳажми бўйига 54, энига 34 см. Орқа ва олдини ҳисоблаганда 18 саҳифа. Услуби ва турига кўра, берилган барча мақолалар янгилик ва хабардан иборат. Рўзноманинг 2 саҳифаси маҳаллий, 3 саҳифаси мамлакат ҳаётидаги хабарларга ажратилади. Халқаро хабарлар 2 саҳифага жойланиб, яна 2 саҳифа маҳаллий ва халқаро иқтисодий янгиликлар билан тўлади. Спорт мухлислари учун ҳар куни 2 саҳифалик хабарлар тайёрланади. Ҳиндистонда спорт — бу аввало крикет дегани. Баъзида ўқувчилар хоҳишидан келиб чиқиб, бутун саҳифа крикетга ажратилади. Ўқувчилар фикр-мулоҳазаси ва муҳаррирга йўлланган хатларга бир саҳифа ажратилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳиндистон нашрлари фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлмиш фуқаролик журналистикасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Узоқ-яқиндаги Ҳинд қишлоқларидан йўлланган суратлар, мақолалар мунтазам эълон қилиб борилади.

Газетанинг деярли 4 саҳифаси рекламага ажратилади. Биргина шу газета билан бирга яна 5 та шу ҳажмдаги, тўрт ёки олти саҳифали шоу-бизнес, санъат ва маданият, адабиётга бағишланган илова рўзномалар, шунингдек, хабарларга ихтисослашган, 32 саҳифали «Pune mirror» рўзномаси бепул тарқатилади. Бу усул нафақат газетани оммалашувига, балки янги, мустақил газеталарнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Яъни бошида бепул тарқатилган рўзномалар бир-икки йилдан сўнг сотувга чиқарилади.

Рўзномалар реклама ҳисобига "яшайди". Рекламанинг турлари ҳам хилма-хил: шахсий, иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий. Газетада асосий ўринни шахсий реклама эгаллайди. Мисол учун, кимдир вояга етган қизи учун «Куёвлар танлови»ни эълон қилса, бошқа биров тадбиркорликда шерик қидираётгани тўғрисида хабар беради. Кимдир ўзининг мунажжимлик қобилиятидан жамиятни бохабар қилади. Маърифий реклама турлари орасида кўплаб компьютер, тил ва турли йўналишлардаги ўқув марказлари ҳақида билиб олиш мумкин. Ижтимоий рекламаларда аҳолини бепул тиббий ёки маиший хизмат билан таъминловчи марказлар тўғрисида билиб оласиз. Рекламалар орқали сиз иш топиш имкониятига ҳам эгасиз. Компаниялар бўш иш жойи учун қачон ва қаерда мулоқот ўтказилишини ҳар кун эълон қилиб боради.

Ҳар соҳада фаолиятимизни ижтимоий муносабатлар белгилаб берувчи бугунги фуқаролик жамиятининг аъзолари "Газетасиз кун — беҳуда кетган кун" деган фикрни тасдиқлашади. Ўқиш-ёзишдан бохабар бўлиш ёхуд нуфузли университетнинг дипломига эга бўлган билан киши саводли бўлиб қолмайди. Зеро, гарчи кўзимиз кўриб турган бўлса-да, ён-атрофда рўй бераётган воқеалар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан бехабарлик жамиятда қадам ташлашимизга, юксалишимизга тўсқинлик қилади. Бугун юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида газета мутолааси фикримизни тиниқ, мақсадни аниқ қилиш учун айни муддаодир.

Шуҳрат САТТОРОВ,
"Камолот" ЁИҲ
матбуот котиби

ДАРАКЛАР

ФИРИБГАР ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

АҚШ адлия вазирлиги «Medicare» ижтимоий-тиббий дастури доирасида 91 нафар тиббиёт ходимини катта миқдордаги маблағни ўзлаштирганликда айбламоқда. Мазкур иш юзасидан қамоққа олинганларнинг аксарияти американинг 7та шаҳрида фаолият кўрсатаётган шифокор, ҳамшира ва бошқа тиббиёт ходимлари саналади. Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди.



Маълум бўлишича, айбланувчи шахслар беморларнинг уйига бориб хизмат кўрсатиш учун 230 миллион, аҳолига руҳий кўмак учун 100 миллион ва тез ёрдам хизматларидан фойдаланилганлик учун 49 миллион доллар сарфлангани ҳақида қалбаки чеклар тайёрлашган.

2007 йилда «Medicare» фондидаги маблағни тақсимлашда йўл қўйилаётган қонунбузарликларга барҳам бериш мақсадида «Medicare Fraud Strike Force» номли махсус бўлинма ташкил этилди. Бўлинма томонидан ўтказилган текширувлар натижасида 2011 йилнинг февраль ойида 111 нафар тиббиёт ходими умумий қиймати 225 миллион долларни алдов йўли билан ўзлаштиргани аниқланган эди.

Бугунги кунда бюджети 590 миллиард долларни ташкил этаётган «Medicare» тиббиёт суғурта дастури хизматларидан мамлакатдаги тахминан 50 миллион қария ва ногиронлар фойдаланиб келади.

180 МИНГ ДОЛЛАРГА ЎЗ ДАРВОЗАСИНИ ИШҒОЛ ЭТДИ

Италия футболида келишилган ўйинлар юзасидан олиб борилган суриштирув ишлари катта шов-шувга сабаб бўлди. Маҳаллий нашрнинг ёзишича, "Бари" футбол клубининг собиқ ҳимоячиси Андреа Масьелло 180 минг евро эвазига ўз дарвозасига тўп киритгани ошкор бўлди.

Бу воқеа ўтган йили Италия А сериясининг 37 тур ўйинида содир бўлган. Ушанда турнир жадвалининг сўнгги поғонасидан жой олган "Бари" жамоаси ҳали Италия А сериясида жон сақлаб қолиш учун курашаётган "Леччe" меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида мағлубиятга учраганди.

Футболчи шартли равишда 22 ойга қамоққа олинди. "Бари" жамоаси ҳозир Италия В сериясида тўп сурмоқда. Турнирда қолиш учун қиғғир йўлдан юрган "Леччe" жамоаси эса учинчи дивизионга тушиб кетди.

ДУБАЙДА ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Link Global Group компанияси Дубай шаҳрида Тож Маҳал кошонаси, Эйфель минораси, Миср эҳромлари ва Буюк Хитой девори каби машҳур иншоотлар нусхаси олинган катта мажмуа барпо этмоқчи. Ундан 300 ўринли меҳмонхона, дўкон ва идоралар жой олиши кутилмоқда.



BBC ахборот агентлигининг хабар беришича, "Янги муҳаббат шаҳри" деб номланадиган мажмуа 2014 йилга қадар қуриб битказилиши режалаштирилган. Лойиҳа эгалари муҳаббат ва романтиканинг тимсоли бўлган Тож Маҳал кошонасини мажмуа марказига жойлаштириш ниятида. Улар мажмуа ёш оилаларнинг асал ойини ўтказишлари учун мўлжалланган сеҳрли гўша бўлишига ишонч билдиришмоқда.

МУСИҚА САДОЛАРИ ОСТИДАГИ ДАВО

Индонезиялик стоматолог Дханни Гастиана мижозларнинг тишини даволаш учун ўз кабинетида мусиқали асбобни яратди. Унинг сўзларига қараганда, ўйинчоқ кўринишидаги ихтиронинг мусиқага монанд чироқлари биринчи навбатда болаларни чалғитишга мўлжалланган.

Эндиликда тиш даволатиш вақтида бола ёқимсиз, асабни эговловчи товуш ўрнига MP3 плеер чиқараётган мусиқадан баҳраманд бўлади, деб ёзади "MedDaily" портали.

Маълум бўлишича, аксарият болалар тиш шифокорларидан эмас, балки улар фойдаланаётган асбоб-анжомлардан қўрқар экан. Шу боис, янги ихтиро Грециядa ўтган сўнгги стоматология конгрессида ижобий баҳоланди.

УЙ ВАЗИФАСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Германиянинг шимолий Рейн-Вестфалия ҳудудида жойлашган Elsa-Braendstroem гимназиясидаги ўқувчилар дарсдан кейин ҳордиқ чиқаришлари, спорт ва мусиқа билан шуғулланишлари учун уй вазифаларидан озод қилинди. Гимназия директори Бригитте Фонтайн бу ҳақда "Westdutsche Allgemeine" нашрига берган интервьюсида айтиб ўтди.



Гимназия маъмуриятининг ушбу қарори кунлик дарс вақтининг узайиши ва ўқув йилининг бир йилга қисқариши билан боғлиқ. Гимназия ўқитувчиси Михаэль фон Теттаунинг таъкидлашича, аввалги 44 соатлик ўқув ҳафтаси шундоқ ҳам болалар учун бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Энди эса улар кечки соат 6:00 га қадар мактабда ўқишади. Шунинг эвазига бекор қилинган уй вазифаларининг ўрни тўдирилади.

Аниқланишича, яқин бир неча йил ичида Германиядаги барча 5-10 синф ўқувчилари шу тариқа уй вазифаларидан озод этилади.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

ПОЧТА: ЎТМИШДАН КЕЛАЖАККАЧА

Мамлакатлар, шаҳарлар билан ўзаро алоқалар ўрнатиш, хабар ва ахборотлар алмашиш ҳамда тарқатиш ишларини амалга ошириш масалалари узоқ тарихга эга. Одамлар қадимдан хабар алмашувига кучли эҳтиёж сезгач, унинг ҳар хил турларини ўйлаб топишган. Жумладан, овозли яъни ноғора садолари, оловли, тутунли, ёруғлик нурларидан фойдаланиш, кабутарлар ёрдамида хабар алмашиш, карвонлар орқали хат юбориш усулларидан кенг фойдаланилган.

Узоқ ўтмишда давлатлар, шаҳарлар ва зарур жойлар билан алоқа ўрнатиш, ахборот алмашиш, ўзаро мулоқот ишларини ташкил этиш Буюк Ипак Йўли орқали амалга оширилгани ҳақидаги маълумотлар қадимий қўлёзмаларда ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу карвон йўли бўйлаб, ҳар 15-20 километр оралиқда алоҳида почта роботлар бўлиб, ушбу роботлар махсус ҳарбийлар томонидан қўриқланган. Чопарлик хизматини ўтовчилар хонликнинг махсус кумуш ёки бронзадан ясалган 3-6 сантиметрли, соҳибларининг номи кўрсатилган тамғалар билан таъминланган. Мазкур тамғалар чопарларга карвон йўллари ва белгиланган йўналишларда эркин ҳаракатланишлари, хонлик пистирмаларидан бемалол ўтиш, почта-роботларида овқатланиш, отларни алмаштириш, дам олиш ва ўзидаги барча ахборотларни кейинги чопарга узатиш имкониятини берган. Ушбу эстафета орқали ахборот алмашиш ишлари қулай, ишончли ва сифатли бўлгани сабабли узоқ муддатгача, аниқроғи, Темурийлар давридан то XIX асргача қўлланиб келган ҳамда ушбу йўналиш почта хизматининг ривожланишига асос бўлган.

XVIII асрга келиб, почта жўнатмалари от арава ёки пиёдалар билан айрим ҳолатларда эса савдо карвонлари орқали етказилган. Оддий аҳоли қатлами эса бир-бирлари билан фақат оғзаки хабар алмашиб турган.

Фақат XIX асрда, яъни 1888 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида почта алоқаси темир йўл транспорти орқали амалга оширила бошланди. Почта алоқа хизмати тараққий эта бошлаган вақтларда босқичма-босқич телеграф алоқаси ҳам ривожлана бошлади. 1873 йил июнь ойида Туркистонда Тошкент — Оренбург йўналиши бўйича биринчи халқаро телеграф алоқаси ишга туширилди. 1876 йилда Туркистоннинг катта шаҳарларидан: Самарқандда, Янги Марғилонда, Каттақўрғонда телеграф алоқаси ташкил этилди. 1884-1900 йилларда Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида ҳам телеграф линиялари очилди. Телеграф алоқаси ривожланаётган бир вақтда алоқа ускуналарини ўртаниш имкони бўлмаган тоғлик жойларда ҳамда бир-бирлари билан кесишган водийларда алоқанинг бошқа тури — гелиографик алоқадан фойдаланиш имкониятлари ташкил этилди.

Мазкур алоқа хизмати фақат бир-бирини тўғридан-тўғри кўриш имкониятлари бўлган баҳор-ёз ойларида қўлланилган. Чунки шу алоқа хизматини ташкил этиш учун кундуз кунлари қуёш нуридан, кечалари эса очиқ аланга ёки ойнинг ёруғлик нурларидан фойдаланилган.

Мамлакатимизда почта ва алоқа хизмати мустақилликка эришилгандан сўнг тез суръатларда ривожлана бошлади. 1997 йилда Ўзбекистон Алоқа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилди. 2002 йилда эса Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги халқ хўжалиги тармоқларининг ҳамда аҳолининг почта, телеграф ва телефон алоқаси хизматларига бўлаётган талаб-эҳтиёжларининг тўлиқ ва сифатли таъминланишида ушбу соҳалар бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар катта аҳамиятга эга бўлди. Истиқлол мамлакатимизнинг ушбу йўналишда ҳам халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувига кенг йўл очди.

9 октябрь — Умумжаҳон почта куни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида нишонланадиган халқаро байрам ҳисобланади. Умумжаҳон почта иттифоқи Берндаги штаб билан биргаликда умумжаҳон почта хизматларининг тўғри ишлашини йўлга қўйиш учун 1874 йил 9 октябрда ташкил қилинган, унинг таркибига 191 мамлакат киради.

1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Умумжаҳон почта иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

2012 йилда Умумжаҳон почта иттифоқининг ташкил топганига 138 йил ва Ўзбекистоннинг мазкур халқаро иттифоққа аъзо бўлганига 18 йил тўлди.

Умумжаҳон почта иттифоқининг статистик маълумотларига кўра, жаҳон почта бозорида ёзувли хат-хабарлар сегменти 450 миллиард почта жўнатмаларини ташкил этади. Булардан 440 миллиарди ички режим ва 10 миллиарди халқаро режим жўнатмалардир. Ушбу бозорда почта посилкалари сегменти 5 миллиардни ташкил этади. Мамлакатлар ушбу жўнатмаларнинг мўътадил жўнатилишини таъминлаш мақсадида 650 мингдан ортиқ доимий амалдаги почта ташкилотларини ўз ичига олган Иттифоқ аъзолари ягона тармоқни ташкил этишди. Бу бўлинмаларда 5,5 миллион ишчи хизмат қилади.

Яқиндагина кимдир почта хизматларининг йўқолиб кетишини башорат қилган экан. Аммо ҳозирда почта хизмати жуда зарур бўлиб қолди. Замонавий интернет ҳам, электрон почта ҳам унинг ўрнини боса олмаяпти. Аксинча, улар почта хизматлари учун янги қулай имкониятларни яратиб берди. Биз турли хил алоқа воситалари бир-бирини тўлдириб турган даврда яшаяпмиз. Почта майдони фақатгина Онлайн режимида харид ва таклиф қилувчиларгагина эмас, балки янги технологиялардан фойдаланишни билмайдиган ва ташқи дунё билан алоқада бўлиш учун ҳаётида почта зарур аҳамиятга эга бўлганларга ҳам керакли хизматларни кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, фан-техника тараққий топа бошлагани сари почта хизматининг электрон шакли, яъни инсонларнинг бир вақтнинг ўзида компьютерда ўтириб, мулоқат қилиш имконияти туғилди. Компьютерларни тармоққа улаш ғоялари биринчи бўлиб ўтган аср 60-йилларининг бошида пайдо бўлди. 1965 йили Лоуренс Робертс ва Томас Мервилл АҚШнинг Калифорния ва Массачусетс штатларида жойлашган икки компьютерни бир-бирига боғлашга муваффақ бўлишди. Боғланиш телефон йўллари орқали амалга оширилиб, дунё тарихида биринчи компьютер тармоғи пайдо бўлди. Бу технология билан АҚШ Мудофаа вазирлигининг "ДАРПА" агентлиги қизиқиб, уларга ҳарбий қўшинларни бир тармоққа бирлаштириш ғояси ёқиб қолди. "ДАРПА" агентлиги мутахассислари бу ғоя бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориб, 1969 йили "АРПАНЕТ" тармоғини яратишди.

Шу аснода 1972 йили интернетнинг асосий хизматларидан бири — электрон почта пайдо бўлди ва бу умумжаҳон тармоғига зўр туртки берди.

1971 йил октябрь ойида инсоният тарихида илк маротаба ББН компанияси ходими Рай Томлинсон электрон почта орқали хабар юборди. Хуллас, йиллар ўтгани сайин инсониятнинг бир-бири билан ахборот алмашиш, алоқа боғлаш, бир-биридан хабардор бўлиш имконияти енгилашиб бормоқда. Аммо шу билан бирга бу енгилликдан қора қилмишларни амалга ошириш йўлида фойдаланувчилар ҳам йўқ эмас. Шу сабабли кўплаб мамлакатлар ана шундай иғвогарона хатти-ҳаракатларга чек қўйиш учун ўз қонунчилигини такомиллаштиришга уринаяпти.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ

риэлторлик ташкилоти бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 3 октябрдаги 186к-ПО-сонли буйруғи асосида сотилиши белгиланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Келес йўли кўчасидаги умумий майдони 3,2 гектарли ерда жойлашган, ҳар бирининг майдони 0,03 гектардан иборат бўлган, жами **104 та (бир юз тўртта) 1-,2-,3-.,.103- ва 104-сонли** ер участкаларида якка тартибда уйжой қуриш учун фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари, ҳар бири — **2 574 000,0 (икки миллион беш юз етмиш тўрт минг) сўм** миқдоридаги бошланғич нархлар билан (сотиш ҳуқуқисиз) аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари **2012 йил 13 ноябрь куни соат 10:00 да** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 178-уй, 70-хонада ўтказилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни, шунингдек, шахсни тасдиқловчи ва тўлов ҳужжатларини қабул қилиш, расмий иш кунларида ва вақтларида юқоридаги манзилда, мазкур эълон чиққан кундан **бошлаб қабул қилинади** ҳамда савдо кунидан бир кун аввал **соат 18:00 да тўхтатилади**.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун Талабгорлар Савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг камида **15 (ўн беш) фоизи** миқдоридаги закалат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилотининг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР:207142288, 20208000404955218002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича **такрорий савдолар** сотилгунга қадар, навбатдаги ҳафталарнинг **сешанба** кунлари соат **10:00 да** ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Буюртманомаларни, шунингдек, шахсни тасдиқловчи ва тўлов ҳужжатларини қабул қилиш, савдо кунидан бир кун аввал **соат 18:00да тўхтатилади**.

Ушбу ер участкаларининг ҳуқуқларини харид этишга қизиқиш билдирган Талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган жойи ва мўлжали ҳамда аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари билан савдо ташкилотчисининг буюртманомаларни қабул қилиш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб ёки қуйида кўрсатилган алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Савдо ғолибига, аукцион савдолари ўтказилган куни савдо натижаси бўйича баённомани имзолаш, савдо кунидан бошлаб 20 кундан кечикмаган ҳолда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, тўланган закалат пули миқдори ер участкасига бўлган ҳуқуқ сотилиш нархининг 15 (ўн беш) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закалат пули тўланган ҳисоб рақамига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишлари харажатларини олди-сотди шартномаси асосида савдо ташкилотчисига қоплаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Савдо ташкилотчисининг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 301-хона.

Мурожаат учун алоқа телефон: 142-51-15; тел/факс: 233-23-40, расмий веб сайтимиз: TPI.uz..

Талабгорлар, вужудга келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича 233-21-52 рақамли «ишонч телефони»га мурожаат этишлари мумкин.

Лицензия: №RR-0109

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»
масъулияти чекланган жамияти

2012 йил 9 ноябрь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Султония кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар Бошқармасининг уй-жой коммунал ва меҳмонхоналар хўжалиги балансидаги 1988 й. и/ч., бошланғич нархи 46620,85 сўм бўлган «Муравей» русумли моторолле; 1983 й. и/ч., бошланғич нархи 427163,75 сўм бўлган «МП-1600» русумли мотопомпа; 1998 й. и/ч., рўйхат рақами 10А722, бошланғич нархи 2527232,60 сўм ва рўйхат рақами 10А721, бошланғич нархи 2445920,85 сўм бўлган «Jet Ski» русумли иккита гидроцикл; 2003 й. и/ч., рўйхат рақами 10А724, бошланғич нархи 7271912,52 сўм ва рўйхат рақами 10А723, бошланғич нархи 6741832,31 сўм бўлган «GLASTRON SX 170» русумли иккита катер; 1997 й. и\ч, д\р 01/535 РРР, бошланғич нархи 5151180,32 сўм бўлган «Нексия»; 2000 й. и\ч, д\р 01/519 РРР, бошланғич нархи 1658534,14 сўм ва д\р 01/306 JBA, бошланғич нархи 2701341,44 сўм бўлган иккита «ГАЗ-3102»; 1997 й. и\ч, д\р 01/512 РРР, бошланғич нархи 2555433,34 сўм бўлган «УАЗ-31515»; 1991 й. и\ч, д\р 10АС254, бошланғич нархи 2854839,75 сўм бўлган «ЛУАЗ-44704»; 1996 й. и\ч, д\р 01/510 РРР, бошланғич нархи 3208563,71 сўм, д\р 01/527 РРР, бошланғич нархи 3563598,21 сўм, д\р 01/529 РРР, бошланғич нархи 3653904,06 сўм, д\р 01/532 РРР, бошланғич нархи 3697741,84 сўм бўлган тўртта «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

*Алоқа телефони: (+998 93) 388-69-96, электрон почта **ikos-mail@inbox.ru***

ДАВР МУАММОСИ

МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ:

УНИНГ МАЪНАВИЙ БАРҚАРОРЛИККА ТАҲДИДИ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг шахснинг эътиқод эркинлиги масаласи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бинобарин, Конституциямизнинг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани ва диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.



Қолаверса, виждон эркинлиги соҳасида махсус қонун қабул қилиниб, унда ҳар бир шахснинг диний эътиқод ҳуқуқи, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинди.

Жумладан, 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги (янги таҳрир) Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, давлатнинг диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши кафолатланди. Қонуннинг мазкур моддасига асосан бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилди.

Хўш, миссионерлик ўзи нима? Миссионерлик лотин тилидаги "missio", яъни "жўнатиш", "топшириқ" сўзидан олинган бўлиб, унинг мақсади ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиган ёки бошқа динларга мансуб шахсларни муайян бир динга киритишдир. Аслида эса миссионерларнинг вазифаси муайян ижтимоий гуруҳнинг сиёсий мақсадларини амалга оширишдан иборат.

Узоқ тарихга назар ташласак, миссионерлик фаолиятини турли динларга мансуб гуруҳ ва жамоалар фаолиятида кузатамиз. Масалан, буддизмда миссионерлик ҳаракати кўп ҳолларда сайёр монахлар томонидан милоддан аввалги III асрдан амалга оширила бошланган. Христиан миссионерлиги милодий IV асрда пайдо бўлиб, XIII-XIV асрларда у Ҳиндистон, Хитой ва Японияга кириб борган. Католиклар черковининг миссионерлиги испан ва португал мустамлакачи империялар вужудга келганидан кейин фаолиятини кучайтирган (XV-XVI асрлар). АҚШда эса миссионерлик ташкилотлари XIX аср бошларида пайдо бўлган. Империалистик давлатлар жаҳонни бўлиб олиш учун кураш олиб борган XIX асрнинг охирларида миссионерлик ҳаракати янада фаоллашган.

Миссионерлик фаолиятининг энг чўққиси прозелитизм ҳисобланади. Прозелитизм — бу тўғридан-тўғри бирор бир динга эътиқод қилган фуқаронни мажбуран ўз динидан воз кечтириш ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдан иборат.

Миссионерлик фаолияти бир нечта мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Масалан,

— бошқа халқ вакилларини ўз динига киритиш. Ушбу ғоя орқали ўзга динларга эътиқод қилувчи шахсларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғарб давлатлари таъсир доирасига тушириб олиш;

— маълум халқлар ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа пайдо қилиш ва астасекин ишонч-эътиқодидан воз кечишга олиб келиш, шу орқали ўзларининг сафларини янада кенгайтириб бориш.

"Таъбир жоиз бўлса, миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун барча услуб ва методларни қўллашга тайёр бўлишади. Жумладан, улар атайлаб айрим жисмоний хасталик (ногиронлик) оқибатида оғир руҳий ҳолатга тушиб қолган ёки ҳаётда моддий қийинчиликка учраб турган шахсларни топиб олиб, уларга турли шаклда хайр-саховат кўрсатади. Ҳар томонлама уларнинг кўнглини олишга уринадилар. Албатта, бундай "саъй-ҳаракат"лари билан улар маҳаллий аҳоли ўртасида ўзлари ҳақида ижобий фикр уйғотишга ҳаракат қилади. Маҳаллий халқ тилида чоп этилган чиройли, рангли-безакли муқовадаги китоб ва журналларни уларга бепул тарқатиб, ундаги босилган мақолаларда туб аҳолига мутлақо ёт бўлган ўзга дин ғоялари ниҳоятда усталик билан тарғиб этилади. Миссионерлар бошқа динларга киришга даъват этилган лавҳалар акс этган видео-аудио кассеталарни аҳолига бепул тарқатадилар.

Бундан ташқари, турли санъат асарлари кўргазмаларини, спорт ўйинлари, мусобақаларини ташкил этиш, ушбу тадбирлар иштирокчиларига совға-саломлар улашиш, айрим тиббиёт ва таълим-тарбия муассасаларига малакали мутахассис кадрларни "иш"га юбориш орқали ҳам миссионерлар ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қилади. Яккаёлғиз ва ўзгалар қаровига муҳтожларга кўнгилочар мактублар йўллаш, ёшлар ташкилотлари билан ўзаро "ҳамкорлик" ўрнатиш, компьютер ёки чет тилларини ўргатадиган клубларни ташкил этиш, ўз сафларига қўшилганларни тез-тез моддий рағбатлантириш ва хорижий мамлакатларга ўқиш ёки малака оширишга юбориш ҳам миссионерларнинг одамларни оғдириш усулларидан ҳисобланади.

Таассуфки, уларнинг бундай хатти-ҳаракатлари миллий-маънавий барқарорликка таҳдид солади. Борди-ю миссионерлар ўз мақсадларига эришадиган бўлса, ўша мамлакатда халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши муқаррар.

Чунки, дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Миссионерлик айнан шундай диний қарашларга ўз таъсирини ўтказиб, юрт барқарорлигига таҳдид солади. Айнан шу боисдан ҳам республикамизда прозелитизм ва бошқа миссионерлик фаолияти қонун билан тақиқлаб қўйилган. Мазкур фаолият билан шуғулланган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 240-моддаси 2-қисмига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинади ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олинади.

Ушбу фаолият такрорланган тақдирда эса айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216^2-моддаси 2-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 6 ойгача қамоқ ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Таъкидлаш жоизки, миссионерлик вужудга келтирадиган таҳдидлардан бугунги кунда ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат холи эмас. Афсуски, фақат айрим мамлакатларгина ушбу иллатнинг олдини олишга ҳаракат қилиб, бошқалари эса аксинча, миссионерлик фаолиятига қонун билан рухсат бериб қўйишган. Масалан, Арманистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунида (8-модда) прозелитизм тақиқланган бўлса, Украина ва Белоруссия қонунчилигида "миссионерлик жамиятлари" фаолиятига диний ташкилот сифатида расман рухсат этилган.

Миссионерлик инсоннинг конституциявий ҳуқуқи бўлмиш фикрлаш ва виждон эркинлигига қарши чиқар экан, унинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларнинг давлат томонидан олиб борилиши тақозо этилади. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан қуйидаги уч йўналишда ишлар олиб борилмоқда:

— адлия органлари томонидан диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, унинг устав (низом)и қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабига мувофиқлиги нуқтаи назаридан экспертиза қилинади. Экспертиза натижасига кўра, қонун ҳужжатларига зид, шу жумладан миссионерлик ва прозелитизмни тарғиб қилувчи қоидалар аниқланганда, мазкур диний ташкилотнинг устави рўйхатга олинмайди;

— адлия органлари диний ташкилот ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб борадилар, уларга амалдаги қонун ҳужжатлари талабини тушунтириб, уни бузганлик учун жавобгарлик ҳақида расман огоҳлантирадилар. Бундан ташқари, миссионерлик ва прозелитизмга қарши турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказадилар;

— адлия органлари рўйхатга олувчи орган сифатида диний ташкилотнинг фаолияти ўз уставига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қиладилар. Мабодо, диний ташкилот ходимлари томонидан амалдаги қонунчилик ва устав талаблари бузилган тақдирда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда диний ташкилотни тугатиш чоралари кўрилади.

Албатта, миллий қонунчилигимизда миссионерлик ва прозелитизмга қарши нормалар ҳамда бундай хатти-ҳаракатлар учун жазо чораларининг назарда тутилиши билан ушбу фаолиятга бутунлай чек қўйиб бўлмайди. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур. Бунда айниқса, ёшларимизнинг ахборот бўшлиғини турли ташқи таҳдидлардан асрашимиз, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз ва уларни миллий-маънавий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашимиз муҳимдир.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

«...ярим кечада 1-залда нимадир бирдан гумбурлаб, жаранглаб, сочилиб кетгандай бўлди. Шу он чийилдоқ эркак мусиқага жўр бўлиб: «Аллилуйя!» — деб жон-жаҳди билан чинқира бошлади.

Довруғи кетган Грибоедов жази даврага чорларди. Терлаган юзлар гўё ёришиб, шифтдаги тулпор тасвирларига жон киргандай, чироқларнинг шуъласи кучайгандай бўлди-да, иккала зал, пешайвондаги хўрандаларнинг баравар жазаваси тутиб, рақс туша бошладилар. Сочини бокс фасонида олдирган, елкасига модага мос пахта қўйдирган, касби-кори номаълум ёшлар-да ўйнардилар... Чийилдоқ хонанда энди куйламас, «Аллилуйя!» — деб ув тортарди, холос...»

Тунги дискотекалар кимлар учун?

Ушбу воқеа қаерда содир бўлган экан-а, деб ўйларсиз. Михаил Булгаков тасвирлаган даврдаги Москвадами? Йўқ, бунга ўхшаш воқеалар Тошкент шаҳри кўчаларида жойлашган турли номдаги дискотекаларда ҳар кеча қулоқни қоматга келтирувчи мусиқалар жўрлигида, қоронғи залларнинг бурчак-бурчакларида ўрнатилган ва «рақҳосу рақҳоса»лар устида ғужғон ўйнаётган чироқлар ёғдусида чинқироқ йигитлару қизлар шунақа жазавага тушишади. Бундай шовқинли мусиқа ва олатасир рақсдан қанчалик завқ олиб, қай даражада ҳордиқ чиқаришлари уларнинг ўзларига аён. Айрим ёшлар бундай оҳанраболи масканларга фақат рақс тушиш учун боради десак, янглишамиз. Зеро, бу ерда «анвойи» ичимликлар, турфа хил чекиш воситалари сероб ва, энг муҳими, бу ерга кириш йигитлар учун пуллик, қизлар учун — текин.

«Ҳа, нима қипти, сенинг пулингга еб-ичишяптими, ёшликда ўйнаб-кулиб қолмаса, қачон ҳаётдан баҳра олишга улгуради...» — дейдиганлар ҳам топилар балки. Аммо, ўйин-кулги билан ўйин-кулгининг ҳам фарқи бор-да.

Албатта, инсоннинг бирор бир нарсадан завқ туйиши — олий савқи табиий. Бироқ қулоғингни тешиб юборадиган ёқимсиз мусиқа-ю, калта-култа кийинган хонимчалар, қулоқлари халқадан осилиб қолиб, «сочлари тақимини ўпган», «киприги кўксига соя солган» йигитларнинг маънисиз чинқириқларидан қандай завқ туйиш мумкин?! Қолаверса, нимқоронғи ертўлада ярим яланғоч қизлар, пивога бўккан йигитлар даврасида телбаларча чинқираётган одамни ҳордиқ чиқараяпти, деб бўладими? Қолаверса, бўлар нима ишни қойиллатибдики, шунчалик ҳордиқ чиқаришса... Яна — тонггача!

Тағин, ўзингиз айтинг, «Карлеон»ми, «Жулиана»ми ёки бошқа ном билан аталган безиё клубларда хўкиздай бўкираётган, хўроздай қичқириб, маймундай ирғишлаётганларнинг жазава билан бўғизларидан отилаётган товушлар-чи? Улар инсоний товушлармикин?!



Қулоқни батанг қилаётган шовқин-сурон бир тараф. Аммо, уларга хизмат қилиш учун шай турган чилимлар-чи? Хўш, улар нимага керак? Уларда шунчаки хушбўй тамаки чекиш мумкин, дерсиз. Бироқ, кўнгил қурғур бошқа нарсаларни тусаб қолса-чи? Харидор истаги вожиб бўлса, қуюқ тутунга бўккан залда тамаки ҳидидан бошқа нарсанинг «ифорини» ажратиб бўлармикан? Кимлар учундир мўмай даромад манбаи бўлган бундай жойлар учун келажак катта товон тўлашига тўғри келмайдими?! Умуман, меъёр унутилган жойда маънан қашшоқ одамлар, жиноятчилар етишиб чиқиши турган гап. Бундай масканлардаги ҳаддан ташқари эркинлик, меъёрни эсдан чиқариш, борлиқни унутиш, бемаъни хатти-ҳаракатлар ғарбдан оқиб келаётган «оммавий маданият» тўлқинларининг янада «мавжланишига» хизмат қилмаяптими? Жамиятимиз олдида миллий ва умуминсоний қадриятларни, ўзбекона ҳурмат, одоб, эҳтиром ва бошқа юксак фазилатларни ёшлар онгига сингдириш каби муҳим масалалар кўндаланг турган бугунги кунда бу сингари жойлар олдимизга қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишимизга халал бериши табиий. Хориждан кириб келаётган тайин-тутуруғи йўқ одату тамоилларни кўр-кўрона қабул қилавериш ўрнига ҳавас қилса арзирли одатларимизни хорижга ёйиш яхшироқ эмасми?!

Тахминан икки йиллар муқаддам Японияда бир тадбиркор юртдошимиз ўзбек чойхонасини очгани ҳақида эшитгандим. Майин ва дилтортар ўзбекча мусиқа садолари остида, чорпояда чордана қуриб, палов ошамлаётган япон кишиси кўз олдимда гавдаланди-ю рости, фахрландим. Бу ҳақда гапириб берганимда тўқсонга яқинлашиб қолган момом ўша нотаниш тадбиркорни узундан-узоқ дуо қилиб, унга узоқ умр, туганмас давлат, бахт-саодат тилаганлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳа, фахр туйиш учун инсон аввало ўзлигини таниши керак.

Дарвоқе, «Аллилуйя» хусусида! Бу сўз ивритча Халелу-йах сўзидан келиб чиққан бўлиб, «Ях (Яхве, Йаг, Иегов)ни шарафланг» деган маънони беради. Бир қатор христиан конфессияларида Худога қилинадиган мақтов мурожаати ҳисобланади. Бунақа сано ўқиётганлар асли ким ва нима сабабдан тунда! Хилватда!

Мансур ЖУМАЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Реклама

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ томонидан

ташкил қилинган савдоларнинг натижалари ҳақида ахборот

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ тизимида 2012 йил 1 сентябрдан 2012 йил 1 октябрга қадар бўлиб ўтган тўғридан тўғри музокаралар йўли билан ташкил этилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари савдоларида жами 21800.0 минг сўмлик, 4 та кўчмас мулк объектлари сотилди.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2011 йил 27 сентябрдаги 1101-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга, Бухоро шаҳри Т.Фароғий кўчаси ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун мўлжалланган ҳар бири 65 кв.м.дан иборат 12 (бош режа асосида 25 дан 36 рақамигача) та ва ҳар бири 100 кв.м.дан иборат автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун мўлжалланган 4 (бош режа асосида 37,38,39,40-сонли) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2012 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтган танлов савдолари натижалари тўғрисида маълумот.

т/р	Объект номи	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
1	25-сон ер майдони	37 570	3000 000
2	26-сон ер майдони	37 570	3500 000
3	27-сон ер майдони	37 570	3200 000
4	28-сон ер майдони	37 570	3000 000
5	29-сон ер майдони	37 570	22 000 00
6	30-сон ер майдони	37 570	18 000 000
7	31-сон ер майдони	37 570	2 200 000
8	32-сон ер майдони	37 570	2 000 000
9	33-сон ер майдони	37 570	1500 000
10	34-сон ер майдони	37 570	2 870 000
11	35-сон ер майдони	37 570	15 000 000
12	36-сон ер майдони	37 570	2 150 000
13	37-сон ер майдони	57 800	2 200 000
14	38-сон ер майдони	57 800	2 000 000
15	39-сон ер майдони	57 800	3 500 000
16	40-сон ер майдони	57 800	3 500 000

ФИКР

Жамоат транспорти тирбанд. Ҳар ким ўз машғулоти билан банд. Йўловчилар орасидаги ҳаловатини китобдан топаётган замондошим эътиборимни тортди.

Китоб ва китобхонлик мартабаси

Дарҳақиқат, китоб инсоннинг кўнгил кўзгуларини равшанлаштириб дунёга теранроқ, ўткир кўз билан назар ташлашга ўргатади. Китобхонликдан орттириладиган маънавий камолотни ҳеч қандай қиймат билан баҳолаб бўлмайди. Гоҳида ўйлаб қоламан: илк китобхонлар қачон пайдо бўлган экан-а? Бир қарашда Иоганн Гуттенберг ихтиросидан сўнг босма манбалар яратилгач, уларнинг илк ўқувчилари дастлабки китобхонлар бўлиб тарихга муҳрланишлари лозимдек. Бироқ немис ихтирочисининг кашфиёти китобларнинг фақатгина шаклини ўзгартирди, холос. Инсониятнинг китобга ошно тутинганини бунчалик яқин ўтмишга тақаб қўйиш тўғри бўлмас. Чунки муқаддас манбаларда Одам Атога Оллоҳ томонидан ваҳий нозил қилингани қайд этилади. Шундай экан, инсоният ўз ибтидосиданоқ мутолаага айрича эътибор қаратган. Илоҳий қудратга эга саҳифаларнинг Одам Ато томонидан муҳаббат ила ўзлаштирилиши XXI асрда яшаб, ахборот тўрига ўралашиб қолган замонавий кишини-да китоб мутолаасига ҳамон тортиб турган бўлса, ажаб эмас. Чиндан ҳам ўша иштиёқнинг таъсир кучи Одам болаларида сақланиб қолганми?

Китоб ўқиш ҳар кимнинг ўз машғулоти. Китобйиғар, китобхон, китобсевар, китобпарвар... Булар мутолаага ошноликнинг зинапояларидир. Ким учундир умр мазмунига айланган китоб бошқа биров учун бўш вақтини тўлдиргувчи воситалигича қолаверади. Илло, уларнинг мартабаси ҳикмат бўстонида баробар бўлмайди.

Чинакам китобхонга айланиш осон эмас. Таниқли адиб Ҳерманн Ҳессе бу борада китобхонликнинг икки хил кўринишини алоҳида таъкидлаган: "...бир тоифа китобхонлар борки, бутун умрлари бўйи ўн-ўн бешта китоб билан кифояланадилар. Шунга қарамай, улар ҳақиқий китобхонлардир. Бошқа тоифа — китобйиғарлар ҳам бор. Улар ҳамма нарсани ўқиганлар ва истаган нарса ҳақида гапира оладилар, лекин барибир уларнинг меҳнатини зое кетган, деб ҳисобласа ҳам бўлаверади. Муҳаббатсиз мутолаа, ҳайратсиз билим, қалбсиз таълим — руҳ қаршисидаги энг оғир гуноҳлардир". Эътибор берайлик, адиб "қуруқ" китобхонликни бирор инсон ёки жамоа олдидаги эмас, аввало, руҳ қаршисидаги оғир гуноҳ экани ҳақида ҳукм чиқармоқда. Ана энди ҳаётини китобсиз тасаввур қила оладиганларнинг аҳволини тушуниш қийин эмас.

Устоз Асқад Мухтор китобнинг сотиб олингани эмас, ўқилгани бебаҳо бойлик эканини уқтирган эди. Дўконларда яқин дўстининг таваллуд куни учун совға сифатида китоб харид қилаётганларни кўраман. Дўстга дўст ҳадя қилиш нақадар ажойиб! Айрим тенгдошларимиз китобга берилишни кулгили ҳолат, деб баҳоламоқдалар. Шусиз ҳам тиғиз вақтини китоб мутолааси билан ўтказиш бемаънилик бўлиб туюлади улар учун. Бу эса ўзларининг фожиаси. XXI асрдаги ҳаётимиз фақат китоб билан боғлиқ. Чунки ютуқлар омили китобларга яширинган.

Адабиётшунос Озод Шарафиддинов юксак китобхонликка эришгани кўпчиликка аён. Дўстларимиз билан бўладиган ўзаро адабий суҳбатларда "Мен Озод Шарафиддиновнинг давомчиси бўламан", — дея ҳалигача катта даъволар қиламиз. Унинг ҳаёт йўли биз — ёшларга ибрат мактабини ўтайди. Миллий ва жаҳон адабиётидаги ҳар бир янгилик устознинг эътиборидан четда қолмаган. "Ижодни англаш бахти" китобини варақласангиз, асар тўла маънода китоб ва унинг мўъжизавий қудратига бағишланганига амин бўласиз.

Ўтмиш ва бугуннинг дурдона асарларини қидириб топиш, мутолаа қилиш олдидан жиддий тадорик кўриб олмоқ жоиз. Ана шундай қила олган ҳар қандай йигит-қиз чинакам китобхон бўла олади.

Сирожиддин СОТВОЛДИЕВ,
ЎзМУ талабаси

МУТОЛАА

ЖАСОРАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Кейинги йилларда Қамчибек Кенжа ўзининг баракали ижоди билан кўпчилик ҳамкасблари орасида пешқадамлардан бири бўлиб турибди. Масалан, бундан атиги бир йил аввал унинг "Палахмон" номли романи ўқувчилар қўлига текканди. Ушбу асар ўтган асрнинг 50-йилларидаги қатағон тегирмонидан жон сақлаб қолиш учун хорижга бош олиб кетишга мажбур бўлган ва бутун умри сарсон-саргардонликда, Ватанга қайтиш илинжида ўтган муҳожирнинг аянчли қисматидан ҳикоя қилади. Энг муҳими, муаллиф мустақиллик берган ижодий эркинлик имкониятидан оқилона фойдаланган.



Эътиборли жиҳати, Қамчибек Кенжанинг Бобур халқаро экспедицияси таркибида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Саудия Арабистони ва бошқа Шарқ мамлакатларига қилган ижодий сафарлари таассуротлари асосида дунёга келган "Ҳинд сориға", "Андижондан Даккагача", "Буюклар изидан", "Андижондан Боғдодгача" сингари йирик бадиий сафарномалари, матбуотда эълон қилинаётган ҳикоялари ҳам ўқувчиларда илиқ таассурот қолдирмоқда.

Яқинда ёзувчининг маърифий-биографик қисса жанрида битилган «Жасорат» номли янги китоби нашрдан чиқди. Асар замондошимиз Иброҳимжон Асқаровнинг ҳаёт йўли ва илмий, ижтимоий соҳаларда олиб бораётган амалий фаолияти ҳақида. Ушбу қиссани мутолаа қилган ҳар бир ёш авлод юрагида ўз ҳамюрти билан фахрланиш, у каби мақсад йўлида собитқадам бўлиб яшаш туйғуси уйғонади.

Китобни ўқиб, муаллиф унинг изланиш жараёнида кимё фанининг халқ хўжалигидаги ўрни, аҳамияти, моҳияти, хусусиятлари, жаҳон илми тараққиётида яратилган янгиликлар, кашфиётлар тўғрисида дурустгина билимга эга бўлганлигини сезиш қийин эмас. Зеро, ҳар қандай ёзувчи ўзи тасвирлаётган соҳани мукаммал ўрганмай туриб мавзуга қўл уриши кўлмак сувга қармоқ ташлаб, балиқ овлашга уринишдек самарасиздир. Дарҳақиқат, қиссанинг "Ҳаётбахш елим", "Чора — илм", "Янги фан машаққатлари", "Яна бир янги ихтисослик" сингари фаслларида адиб кимёгар олимдек фикр юритади.

Қисса ҳам бадиий, ҳам илмий, ҳам публицистик услубда битилгани билан характерлидир. Айниқса, асар қаҳрамони Иброҳимжоннинг ёшлик, ўсмирлик ва талабалик йиллари, уйланиш учун келин танлаш лавҳаларини тасвирлашда адибнинг ҳикоянавислик маҳорати яққол намоён бўлган. Айни чоғда мавзу, муаммо ва замондошимизнинг қизғин ҳаёти ҳамда фаолиятининг кўпчиликка таниш манзараларини ифодалашда эссе ва очерк жанрларига хос баён усулларига ҳам мурожаат қиладики, бу ҳам асарнинг мазмунмоҳиятини янада бойитган.

Китоб сўнггида олим ва табиб Иброҳимжон Асқаров билан ўтказилган суҳбатлар, у томонидан яратилган доридармонлар хосияти, табибдан даво топган кўплаб беморларнинг миннатдорлик хатлари ҳам илова қилинган. Бу асарни яна мукаммаллаштириб, мазмунини чуқурлаштирган. Ўқувчилар ундан И.Асқаровнинг "Парҳез тасвирлари"ни ўқиб, ўз саломатлигини тиклашни ўрганади.

Қиссада ёнимизда юрган, биз билан бир сафда меҳнат қилаётган фидойи ҳамюртимизнинг кўп қиррали фаолияти етарли даражада очиб берилган. Фақат бир истак шуки, иловалардан кейин кимё фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, машҳур табиб Иброҳимжон Асқаровнинг биографиясига оид саналар ва маълумотлар изчил ўрин олганида нур устига аъло нур бўларди. Зотан, асарни мутолаа қилган ўқувчи Иброҳимжоннинг таржимаи ҳолини тўлароқ билгиси келади.

Адабиётимизнинг янги бир ҳужжатли қисса билан бойигани ва унда замондошимизнинг бетакрор сиймоси яратилгани барчамизга муборак бўлсин!

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
Фарғона давлат университети профессори



ХАЛҚ ТАБОБАТИ ХАЗИНАСИДАН

Халқ табобатида зиғир уруғи турли касалликларни даволашда қадимдан ишлатиб келинади. Чунки ўсимликнинг уруғ қайнатмаси йўтал, ўпка сили, ангина ва буйрак, меъда яраси ва ошқозон яраси касалликларига шифо ҳисобланади. Унинг қовурилган уруғи эса йўтал ва ич кетишини тўхтатади.

Кони фойда зироат



Тиббиётда, шунингдек, зиғир уруғи, ёғи ва кунжараси кенг қўлланилади. Шиллиқ моддаларга бой уруғининг 15-20 фоизли қайнатмаси меъда-ичак касалликларида енгил сурги дори сифатда қўлланилади. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, милк ва нафас йўллари яллиғланганда томоқ зиғир қайнатмаси билан чайилади. Натижада кўкрак оғриғи камаяди, йўтал енгиллашиб, балғам кўчиши осонлашади. Бод, асаб толалари ва бошқа шамоллаш касалликларида тананинг оғриган жойига уруғ кунжараси қиздириб қўйилади. Атеросклероз, юрак-ишемик касалликлари, ёғ алмашинувининг бузилиши ва қанд касаллиги билан ўтадиган гипертония, жигар хасталиклари билан оғриган беморларга зиғир ёғини парҳез таом сифатида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, зиғир ёғидан олинадиган линетол препарати атеросклероз (паришонхотирлик) касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда яхши самара беради. Фармацевтика амалиётида ундан куйганни даволашда қўлланиладиган суюқ суртма дори — линемент тайёрланади.

Зиғир ёғининг фойдали хусусиятлари ҳақида тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали врач Худойберди Эшбадалов шундай дейди:

— Зиғир ёғи ниҳоятда шифобахш. Бу минг йиллардан бери синовдан ўтган. Хусусан, унинг шифобахш хусусиятларидан асосийси қабзиятга қарши ишлатилишидир. Одамнинг ичи яхши юришмаса, организмнинг касалликларга қарши курашувчи иммун тизими сусаяди. Бундай пайтда зиғир ёғли таомлар беморнинг қувватга киришига ижобий таъсир кўрсатади. Зиғир ёғига индов қўшиб жувоздан чиқарилса, унинг шифобахшлиги янада ошади. Бунда, албатта, меъёрни яхши билиш керак. Сут, бодом ва зиғир ёғи гуруч билан қайнатилганда эса янада шифобахш озуқага айланади. Зиғир ёғи шифобахш хусусиятини йўқотмаслиги учун унга пахта, кунжут, седана ёғларини аралаштириш тавсия этилмайди.

Умуман олганда, зиғир ёғини қон босими юқори беморларга, инсульт, инфаркт, жигар, буйрак ва ошқозон хасталикларида парҳез ёғ сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, суяклар синганда ва узоқ вақт ўрнидан турмай ётиб қолишда зиғир ёғли овқат истеъмол қилиш айни муддаодир.

Азалдан полвонлар юрти бўлган Сурхондарё ва Қашқадарёда соғлом набиралар кўришни ният қилган момоларимиз келинларига зиғир ёғидан атала қилиб беришлари бежиз эмас. Бу таом она кўкрагига сут келишини тезлаштириб, ични юмшатади ва тезда дармонга киритади. Индовли зиғир ёғи пешобни равон қилади, жинсий қувватни оширади. Хуллас, зиғир ва унинг ёғи кони фойда зироатдир.

Акмал СОАТОВ,
Марзия СОАТОВА,
доришунослар

БУГУННИНГ ГАПИ

ОРИЯТЛИ ЭРЛАР ВА АЁЛЛАР

бир-бирини сотмайди-сотилмайди

Тонг ёришиб келмоқда. Таҳририятдан янги сон учун берилган топшириқни адо этаман, деб туни бўйи компьютер қаршисида ўтирибману, аммо уни бошлашга сира уқувим келмаяпти. Аслида, мавзу бор-йўғи "Одам савдоси". Бироқ газетхон бундай мақолалар тафсилотидан зериккан, деган ўжар тушунча уни бошлашга йўл бермаяпти.

Рост-да, шу мазмундаги қай бир мақолага қараманг, бир хил: ўзга юртдан тўрт-беш сўм топиб қайтган Эшматнинг гердайиб юриши Тошматда ҳою ҳавас уйғотади, кейин у ўз ихтиёри билан Эшматнинг олдига келади:

— Ўзинг билан мени ҳам олиб кет! — дейди.

Эшмат гўё бироз иккиланади. Кейин:

— Ҳа майли, — дейди. — Иш-ку бор, лекин бир ўзинг ёлғизлик қиласан-да.

Шу баҳона Тошматнинг ёнига Холмат, вояга етмаган Абдурайим, Мамарайимлар ҳам қўшилади. Улар биргалашиб бошқа бир олчоқнинг олдига боришади. Ўзга юртдаги иш жойига етиб олишлари учун йўлкирага пул сўрашади. Яна денг "процент"га!

Қани энди шу билан ҳаммаси хайрли якун топса, йўқ, бу пешона ўлгур сен қаерга борсанг бирга боради. Ахир, ўз юртидаги имкониятлардан фойдалана олмаган киши ўзга юртда қандай қилиб барака топсин?! Бу ҳол кулгили бўлса-да, халқона ҳажвияни эслатади:

Ҳомид деганлари қўш хотинли эди. Бот-бот ўртоғи Собитга мақтанарди:

— Хотининг иккита бўлса маза-да. Бир кун бирисиникида, иккинчи куни бошқасиникида. Улар сени талашиб ҳоли-жонингга қўйишмайди. Кўйлагингни кимўзарга ювишади. Зўр-зўр таомлар пиширириб, атрофингда гиргиттон бўлишади. Қарабсанки...

Бу гапларга лаққа тушган Собит ҳам хотин устига хотин олади. Шу кундан бошлаб унинг тинчи бузилади. Ҳар куни жанжал. На юришда, на туришда ҳаловат бор. Жонидан тўйган Собит бошини олиб, очиқ мозорга боради. Янги ковланган бир гўрга кириб ётмоқчи бўлади. Мундоқ қараса, ичкарида уни шу йўлга етаклаган Ҳомид ётибди. Э воҳ, жони ҳалқумига келган Собит дўстининг гирибонидан олади.

...Тажрибадан маълумки, суд жараёнларида одам савдоси жиноятлари билан жавобгарликка тортилган шахсларнинг аксарияти худди Ҳомидга ўхшаб жавоб қилишган: "Ҳаммасига нафс сабабчи".

Рост. Нафс — тинч ҳаёт кушандаси.

Алқисса, мавзуга дахлдор мана бу мисолда ана шундай аянчли ҳолни кузатиш мумкин. Шу йилнинг 13 июнида судланган Шавкат Файзуллаев 1981 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор. Наманган шаҳридаги "Оби ҳаёт" маҳалласида яшайди.

Судда у ва унинг турмуш ўртоғи Мавлуда Набижонова билан боғлиқ 5 та жиноят тафсилоти кўриб чиқилди. Яъни улар ўз жиноятларини беш карра давом эттириб, Илҳом Мамажонов, Нуриддин Мирзааҳмедов, Боқижон Мисохожиев, Муқаддас Ҳасанова, Дилноза Аҳмедова, Бобур Ҳамдамов, Юлия Колесникова, Нилуфар Ёқубжонова ҳамда вояга етмаганлар Ислом Муҳиддинов ва Шерзод Шамсиддинов сингари ўн нафар ҳамюртларини Россиянинг Рязань шаҳридаги яширин тикувчилик цехига олиб бориб, оғир шароитларда ишлатиб, иш ҳақини бермасдан, тутқун ҳолда сақлагани бўйича айбли деб топилди. Жумладан, судда Нилуфар Ёқубжонова жабрдийда сифатида шундай кўргазма берди:

— Шавкат Файзуллаев менга ойига 600-700 АҚШ доллари миқдорида маош тўлаш шарти билан Рязань шаҳрида жойлашган тикувчилик цехига ошпазлик вазифасига тайинлади. "Ишлаш учун рухсатнома тайёрлаб бераман", деб паспортимни олиб қўйди. Тутқун ҳолига солди. "Мен билан жинсий алоқа қиласан", дея шарт қўйди. Унинг бу шартига кўнмадим. Шундан кейин: "Ойлик маошингни бермайман, бу ердаги эркаклар орасида қўлма-қўл қилиб юбораман", — деб қўрқитди. Шу тарзда моддий қарамлигимдан фойдаланиб мен билан мунтазам жинсий алоқа қилиб келди. Икки миллион қирқ уч минг беш юз йигирма икки сўмлик иш ҳақимни бермади...

Мазкур кўргазмадаги моддий талаб бир йўсин, ютсанг томоғингдан ўтар, аммо ундаги шармандали ҳол қаршисида тилинг лол. Ориятсиз эркакнинг қилмишини қандай жазо ювар-кан, деган андиша киши қалбини ларзага келтиради.

Аслида, ориятли эркак номус масаласида аёл учун наинки ўз уйида, ўз юртида, балки ҳар ерда қўрғон бўлиши керак эмасми? Шу ўринда раҳматли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг "Эрлари ориятли юртнинг осмонига бургутлар ҳам нигоҳ ташлашга ҳайиқармиш" деган гапи ёдинга келади. Зеро, аёл бу — она, бу — опа, бу — сингил, бу — суюкли ёр. Унга бошқа назар билан қараб бўлмайди.

Яқинда хориждан қайтган бир кишининг суҳбати қулоғимга чалинди:

— Россиядан поезда қайтаётиб бир аёл билан ҳамроҳ бўлиб қолдим, — деди у. — Кела-келгунча ўша аёл зимдан эзилиб, ёнидаги икки нафар фарзандини дам қучоқлаб, дам уларнинг кўзларига мунгли боққанча бир сўз демай келди. Охири уни дил ёришга ундадим. Айтишича, анчадан бери Калугада ишлайдиган эридан дарак бўлавермагач, уни излаб борибди. Борса, эри калугалик рус аёлга уйланиб олган экан.

Афсус, унда-бунда шунга ўхшаш ҳолларга дуч келиб қоласан, киши. Яна ўша ориятсиз ҳақидаги зил-замбил мезонлар кўнгилга тинчлик бермайди.

...Мана тонг ҳам отди. Одам савдоси ҳақидаги мақолани ҳали ҳам бошлолмадим. Иш столим устида унга оид дилни хира қиладиган "иш"лар қалашиб ётибди. Уларнинг деярли барчаси, боя айтганимдек, бир хил мазмунда: Эшмат Тошматни ўзга юртга турли алдовлар билан олиб кетиб, оғир шароитда, оғир меҳнатда ишлатиб, ҳақини бермаган.

Тўғри, бу айтилавериб, ёзилавериб, судларда қайта-қайта кўрилавериб, сийқаси чиқиб кетган мавзу. Лекин айни чоғда дунё афкор оммаси олдида турган энг оғриқли, энг долзарб муаммо ҳам. Зотан, масаланинг хавфли жиҳати мазкур жиноятчиликнинг табиатан демократик қадриятлар билан чиқишолмаслигида. Жамиятдаги барқарорликни бўғиши-ю, миллий генофондни жар томон етаклашида... Шуни унутмасак бас.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

► САНЪАТКОР МАЪНАВИЯТИ

СУВОРА, НОТА ВА ЮРАК

Саҳифамиз меҳмонлари Ўзбекистон халқ артистлари — Ғафур ва Ғулом Эшчановлар

Санъатни тушуниш учун санъаткор бўлиш шарт эмас. Муҳаммад Эшчанов Урганч – Самарқанд йўналишида автобус ҳайдарди. Одатдаги манзил бўйича йўлга чиққан Муҳаммад оға уйига қайтиши билан санъаткорлар даврасига интиларди. Бу пайтда – Отажон Худойшукуров, Раимбой Қўчқоров, Бекчон Отажонов, Рўзмат Жуманиёзов, Шариф Болтаев... шофёр дўстининг сафардан қайтиш маҳалига торларини созлаб қўйишарди. У келгач, куй-қўшиқ авжига чиқар, тун ярмигача, илҳомлари жўш урган пайти, ҳатто, тонггача сувора ва мақомлар айтишуви давом этарди.

Ғафур Эшчанов: — *Бола эдик. Рубоб, доира ва жўр овозлар садосига маҳлиё бўлиб уйқумиз келмасди. Айтилаётган қўшиқлар оғир ва мунгли, сўзлари ҳам қийин, ҳар ҳолда уларни тушунмасдик. Қўшиқчилик санъати ҳақида фикр юритилса, унинг бугунги қиёфаси кечагига қараганда тунд ва хиралашганини инкор этолмаймиз. Аксарият қўшиқчиларнинг талаффузини бирда тушуниб, бирда тушунмай, сўзларини чиндан ҳам англолмай қолаяпмиз. Фаҳмлаб олганимизда эса кўпинча ўша сўзларнинг оҳанг таркибида бемақсад қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, миллий ва мумтоз адабиётимизда Навоий, Огаҳий, Мунис, Атойи, Машраб, Комил Хоразмий сингари улуғ шоирларимизнинг ғазал намуналари бисёр. Уларнинг ҳар бир сатри ўз мусиқаси билан яратилгандек туюлади.*

Оиладаги муҳит ака-укаларни қўшиқ ва оҳангларга тобора жалб этиб борди. Уларни соғлом ва мазмунли ижрога ўргатди, ихлоси кундан-кун кучайиб, мақсадлари қатъий тус ола бошлади. Ака-ука эндиликда уйига ташриф буюрувчи устоз санъаткорларнинг йўлини пойлар, улар келди, дегунча мусиқа тинглашга чоғланишарди. Куй-наво бир муддат тўхтаса, хонадан секин чиқиб, устозларнинг машиналарини ҳавас билан ювиб қўярди. Қалбларда эса биз ҳам келажакда номдор қўшиқчи бўлайлик деган ёқимли орзу қанот ёзарди...

Ғулом Эшчанов: — *Устозларнинг ижодга бўлган муносабати: саҳнани қадрлаши, торни эъзозлаши, кийинишидан тортиб юриш-туришларигача тақлид қилишга арзийди. Уларнинг саҳнага чиқиб, мухлисларга бош эгиб таъзим қилиши ортида санъаткор аслида қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топилади. Бироқ... айни кунларда кўпчилигимиз телевизорга қараб туриб ёш хонандаларнинг беўхшов ҳаракатлари, сакраб тушишларини кузатаяпмиз, холос. Ана шундай пайтлари «бу хонанданинг устози ким экан?» деган тааж-жубга борамиз.*

Муҳаммад ота ўғилларининг мақсадини эшитиб, уларнинг фикрини ёқлади. Қўшиқ айтишга эрмак даражасида қарашса, яхшиси бу йўлдан қайтишларини уқтирди. Ака-укаларнинг ахди жиддийлиги маълум бўлгач, ота уларга жўр овозда қўшиқ айтишни маслаҳат берди. Ака-ука Эшчановлар шу тариқа санъат оламига кириб келди. Халқ уларни ўз номлари билан аташдан кўра кўпроқ ака-ука тарзида ифодалашга одатланди.

Ғафур Эшчанов: — *Отамизнинг қўшиқни жўр овозда айтиш маслаҳати бизга ҳам маъқул тушди. Бироқ бу ҳолатдан ҳам «унумли» фойдаланаётганлар йўқ эмас. Масалан, жўр овоз услуби куйловчилардан бирининг қўшиқ айтолмаслик айбини ёпиши мумкин. Бироқ санъат бундай кўзбўямачиликни асло кечирмайди. Негаки, жўр овозда куйлаш кимнингдир айбини яшириш учун ўйлаб топилмаган. Жўр овоз — устозлардан мерос. У оҳангдошликни оширади, қўшиқ мазмунини бойитиб, сўзнинг тингловчиларга тез етиб боришини таъминлайди.*

Санъаткорни ҳам тушунса бўладиган вазиятлар бор. Иссиқ жонмиз, томоғимиз оғриб, қўшиқни маромига етказолмаётган бўлсак, табиийки жўр овоз қўл келади. Аммо бу қўшиқни талаффузни бузиб айтишга ёки шунчаки оғиз қимирлатиб туришга баҳона бўлолмайди.

Ғафур ва Ғулом Эшчоновлар мумтоз адабиётнинг етук намояндалари саналган Навоий, Машраб, Огаҳий сўзлари билан «Сувора», «Сафти сувора», «Феруз» каби оҳангларни тараннум этишди. «Нақш», «Кутаман», «Адабсизлар», «Оразибон», «Кўнглим сендадур», «Ҳилола дўшмиш» сингари бетакрор сатрларни куйга солишди. Устози Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб «Сен туғилган кун эди бугун» қўшиғини айтишди. Ошиқ Эркин сўзи билан «Ўн саккиз ёшли дилбар», «Зулайҳони», «Турли-турли» ва бошқа кўплаб ижро намуналари билан халқ эътирофига сазовор бўлишди. Шундай кунларнинг бирида уларга шоир Зарифий номидан мактуб келди.

Ғулом Эшчанов: — *Ўша кезлари «Лазги» ансамблида фаолият юритардик. Мактубда шеър битилган экан. Бизга тақдим қилинаётган мисраларни ўқиш жараёнида беихтиёр куйнинг ўзи хаёлимизга қуйилиб келди. Устоз Зарифий шеърига қўшиб оҳангни ҳам мактубга жойлаб жўнатгандек эди. Шу тариқа «Бизлар икки ака-ука, ошиқ бўлдик бир малакка...» қўшиғи яралди.*

Ўйга толасан киши: бугун телевидение, радио орқали эфир соатларини бетўхтов банд этаётган аксар қўшиқларнинг ҳам ўз яратилиш тарихи бормикан? Ўғринча мусиқага аллақандай матнни гўё «туфуклаб ёпиштириш» натижасида юзага келаётган қўшиқларга нисбатан «олмага тушган қуртдек» ибораси тўла мос келади. Бундай қўшиқларга ишланаётган клипларда (агар улар ҳам ўғрилик ҳосиласи бўлмаса) доимий равишда кўчиб юрувчи тасвирий қолиплар мавжуд, холос: ҳашаматли уй, бойвачча ўғил, ҳамманинг ҳаваси келадиган машина ва Европача маданиятнинг таъсирига тушиб қолган қиз... Бирор кўзланган мақсади, айтарли ғояси бўлмаган бу «тасвирий ифодалар» ўзбек қўшиқчилик санъати ва унинг келажаги ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга сабаб бўлмоқда.

Ғафур Эшчанов: — *Ёш хонандаларимиз орасида истеъдодлилари ҳам бор. Бироқ гап уларнинг истеъдодида эмас, балки ўз қобилиятларини тўғри йўналтира билишидадир. Масалан, қўшиқнинг авжини олиш жараёни бор. Одатда, авж пардаларда куйлаш камдан-кам санъаткорларга насиб этади. Шунга қарамай, овозни баланд оҳангга солиш ҳолатларини кўп кузатмоқдамиз. Натижада оҳанг бузилиб, қўшиқчилар орасида бақирганга ўхшаш товушлар юзага келмоқда. Бундан ташқари, нотани билмаслик ҳам мана шундай камчиликларга олиб келади.*

Қўшиқ юракнинг кардиограмма тасвирига ўхшайди. Унинг ҳам паст-баланд кесмалари мавжуд. Булар қўшиқнинг сўзи, мусиқаси ва оҳангидир. «Кесмалар»дан бири таркибда номутаносиб тарзда намоён бўлса, қўшиқ ҳам умри тугаб бораётган бемордек жонсиз ҳолатга киради. Бундай қўшиқни «кардиограмма аппарати»да текширишнинг имкони бўлганида эди, шубҳасиз, узун тўғри чизиқлар ҳосил бўларди...

Ака-ука Эшчановлар куйлаш мобайнида — у хоҳ сувора бўлсин, хоҳ мақом ёки миллий қўшиқлар — барчасини юракдан айтишади. Шу боис ҳар бир ижро юракларга етиб боради. Соҳирнафас ака-укалар шогирдлари билан жиддий машғулотлар олиб боришмоқда. «Хоразм мақомлари» ансамблида Улуғбек Бобожонов, Ғайрат Солаев, Ғанижон Ниёзметов, Гулзода Самандарова, Назира Юсупова, Дилобар Рўзметова, Сабоҳат Матназарова каби хонанда ва созандаларга мақом сирларини, унинг ўзига хос томонларини ўргатиб келишмоқдалар.

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
ЎзМУ журналистика факультети магистранти

► САЙЁҲЛИК

НАВОИЙДА ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон жаҳонга туризм салоҳияти ҳам тобора ривожланиб, замонавий хизмат кўрсатиш имкониятига эга мамлакат сифатида танилиб бормоқда. БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Буюк Ипак йўлидаги туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда республикамиз етакчи роль ўйнаётганини, юртимизда бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, қадимий ёдгорликлар, меъморчилик мажмуаларини таъмирлаш, асраб қолиш юзасидан олиб борилаётган ишларни юксак баҳоламоқда.



Бугун, хусусан, Навоий вилоятида ҳам туризм соҳаси тобора ривожланяпти. Бу борада «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг вилоят «Саёҳат ва экскурсиялар бюроси» давлат корхонасининг амалга ошираётган ишлари эътиборга лойиқ. Вилоятга хорижий инвесторларни жалб қилиш, улар билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда халқаро интермодал юк терминалининг фаолият кўрсата бошлагани, Навоий халқаро аэропортининг замон талаблари асосида капитал реконструкция қилиниши минтақада туризмни янада ривожланишига кенг имконият яратди.

2011 йилнинг 4 ноябрида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2011-2012 йиллар мобайнида Навоий вилоятида туризмни ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган тадбирлар дастури» қабул қилинди ва айни пайтда мазкур ҳужжат асосида кўплаб тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, минтақада сайёҳликни ривожлантиришга 3,795 миллион АҚШ доллари миқдорида банк кредит маблағлари ҳамда ташаббускорларнинг ўз маблағларини жалб этиш назарда тутилмоқда. Вилоят ҳудудидаги кўплаб ёдгорликлар, кўҳна обидаларнинг ёши бир неча асрларга тенг. Хусусан, археологлар томонидан қуйи палеолит даврига оид дастлабки инсонларнинг суяк қолдиқлари, меҳнат қуроллари, манзилгоҳлари ҳамда қоятош тасвирлари топилган ва ўрганилган. Навоий шаҳридан 20 километр шимолда жойлашган Қоратов, Учқудуқ, Учтут, Қизилқум, Лавликон ва Сармишсой қоятошларидаги расмлар, "Работи Малик", «Деггарон», «Чашма» мажмуалари, Нур қалъаси ва бошқа шу каби тарихий жиҳатдан қадрли ноёб объектлар маданий ёдгорликларнинг макони саналади. Туризмнинг фаол хилларини ташкил этиш учун шароит, Айдаркўл соҳилидаги экзотик ўтов лагерларида яшаш учун имкониятлар мавжуд.

— Туризм салоҳиятини оширишга, туристик хизматларни янада яхшилашга жиддий эътибор қаратилаяпти, — дейди вилоят «Саёҳат ва экскурсиялар бюроси» давлат корхонаси раҳбари Ҳабиб Халилов. — Ҳозирги кунда вилоятимизда 9 та меҳмонхона мавжуд. «Gulmira-K», «Turkiston Navoiy», «Grand-M», «Yoshlik», «Zarafshon-Grand», «Registon», «Kamilla», «Uchquduq motel» ва «Parvoz» каби меҳмонхоналар шулар жумласидан. Бу меҳмонхоналар «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг лицензиясига эга.

Жорий йилда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш учун 7 та объект тайёрланди. Нурота туманида 2 та сайёҳлик базасининг фаолияти қонуний тартибда легаллаштирилиб, улар ўрнида «Сентоб тагижар», «Сентоб шахи» Мустафо» хусусий сайёҳлик фирмалари ташкил этилди. Тўдакўл бўйида соҳилбўйи дам олиш объекти иш бошлади. Шунингдек, Хатирчи туманидаги «Сангижуман» ва «Лангар» худудларида сайёҳликни кенг қамровда ривожлантириш мақсадида «Хатирчи экотуризм» сайёҳлик фирмаси ташкил этилиб, маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиш ишлари бошланиб кетди.

Яқинда Навоий-Бухоро автомагистралининг Кармана туманидан ўтувчи қисмида «Истам Раҳим» хусусий фирмаси томонидан «Парвоз» кемпинги қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сайёҳларнинг жойларга бориш-келишини яхшилаш мақсадида корхонамиз томонидан Хитойда ишлаб чиқарилган 45 ўринли автобус сотиб олинди. Замонавий автобус соҳада маҳаллий ва хорижий сайёҳларга жаҳон стандартлари асосида хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлди. Вилоят ҳокимлигининг 450 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи ҳисобига Нурота туманидаги «Чашма» тарихий меъморий обидаси реконструкция қилинди. Бундан ташқари, «Хон чорбоғ», «Мирза чорбоғ», «Сардоба» ҳамда «Работи Малик» қароргоҳлари ободонлаштирилди.

Ҳабиб Халиловнинг қайд этишича, шу йилнинг ўтган даврида Конимех туманидаги «Янгиқозғон», «Саржал» ва «Дўнгалак» овулларида «Айдар» хусусий фирмасига қарашли 13 та, «Қизилқум сафари» хусусий фирмасига қарашли 11 та, «Спутник-Навоий» хусусий фирмаси қошида 17 та ўтов-лагерлар ташкил этилди. Шу йилнинг март ойида «Саржал» овулида катта кўпкари ўтказилди. Унда 70 нафарга яқин франциялик сайёҳ иштирок этди. Кўп минг йиллик ўтмишга эга бўлган «Сармишсой» қоятош суратларини кўриш, Қизилқум саҳросида ташкил этилган қадимий ўтов-лагерларда ҳордиқ чиқариш, шу жумладан, вилоятнинг Буюк Ипак йўлидаги Кармана, Нурота, Навбаҳор туманларининг ўтмиши ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш мақсадида хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқдалар. 7-9 май кунлари чехиялик тележурналистлар вилоятнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида 30 дақиқалик фильм тайёрлашди. Кўрсатув 19 август куни Чехия телевидениеси орқали намойиш этилди. Ўтган олти ойда Франция, Испания, Германия, Италия, Исроил, Корея, Хитой, Ҳиндистон ва Непалдан 250 дан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюрдилар.

Бугун вилоятда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш мақсадида маҳаллий тадбиркорларни «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган "Captiva", "Lacetti", "Spark", "Epica" автомобилларини сотиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, саҳро авторалли сайёҳлик турларини ўтказишда Конимех ва Томди туманлари ҳудудига тўғри келадиган Қизилқум саҳроси жуда қулайлигини эътиборга олиб, «Сарибел-Томди» саҳро ҳамда «Лангар-Нурота» тоғ автораллиларини ташкил этиш, ҳалқаро туристик ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш минтақаларнинг туристик саёҳатини диверсификация қилиш борасидаги ишларни кучайтириш ишлари йўлга қўйилди.



Ёркул УМАРОВ,
журналист

Ўсмирларимиз — Осиё чемпиони!

(Бошланиши 1-бетда.)

Алексей Евстафеев шогирдларининг зафарли юриши Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам давом этди. Жаҳоннинг кучли саккиз терма жамоасидан бири бўлиш айнан юртдошларимизга насиб этди. Темур Ҳакимов, Аббос Махситалиев, Жавлон Мирабдуллаев, Бобур Давлатовлар Европа клублари эътиборига тушди.

Албатта, ҳеч бир муваффақиятга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Қаерда эътибор ва имконият, улуғ мақсад сари интилиш бўлса, юксак натижаларни қўлга киритиш мумкин. Бу борада кўплаб хорижликлар бизга ҳавас билан қарашади. Чунки юртимизда давлатимиз ва ҳукуматимизнинг эътибори, ғамхўрлигини ҳар қадамда, ҳар бир соҳада ҳис қилиш мумкин. Жумладан, миллионлар ўйини саналмиш футболда ҳам. Бинобарин, истиқлол йилларида барча спорт турлари қатори футболга, хусусан, болалар футболига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу эътибор ва яратилган шарт-шароитлар ўз самарасини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Яқин орада Қашқадарё вилоятида бўлганмисиз? Бормаган бўлсангиз, бир боринг. Вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Айниқса, спортга берилаётган эътибор сизни ўзига жалб этиши табиий. Сўнгги пайтларда вилоят маркази ва Ғузор, Муборак, Шаҳрисабз, Косон туманларида ҳам болалар спортини ривожлантириш мақсадида бунёд этилган спорт иншоотлари болалар камолоти учун беминнат хизмат қилмоқда. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёш футболчилар эса мамлакатимизнинг турли терма жамоаларига жалб этилаётир. Бундан ташқари, «Машъал», «Шўртан», «Насаф» футбол клублари академияларининг тарбияланувчилари республика ва халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб келишяпти. Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам болалар футболи ривожи йўлида қилинаётган ишлар кўлами ҳақида жуда кўп ва хўп тўхталиш мумкин.

Бугун жаҳон футболининг кўзга кўринган мутахассислари сўнгги йилларда Ўзбекистон Осиёда болалар футболини ривожлантириш бўйича Японияндан сўнг иккинчи ўринга кўтарилганини эътироф этишяпти. Бу бежизга эмас. Ўзбек футболининг тараққиёт йўлидан андоза олаётган мамлакатлар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлатларида Ўзбекистонда болалар футболини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурни ўрганишга талаб ошиб бораётир. Буларнинг барчаси ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз мамнуният, фахр-ифтихор бағишлайди. Аслида шундай бўлиши шарт. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз айтганидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Hurriyat» мухбири

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, фахрий журналист
Шоира ЮСУПОВАнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ
Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайдо УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:236-55-13, 233-36-02.
Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,
Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >
Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев
Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 02 00
Адади: 6377 Буюртма — Г-1055 1 2 3 5